КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

МАШИНАЛАР ТИНИМСИЗ ИШЛАСИН!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 229 (17.213). ● 6 октябрь 1978 йил, жума ● Баҳоси 2 тийин

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

▲ Куз кузлигини қиляпти, осмонни тез-тез булут қоплаб, айрим кунлари ёмғир ёғиб ўтяпти. Ғайрат камарини маҳкамроқ боғлаб, терим суръатини янада жадаллаштирайлик. Олтиндан ҳам қиммат пахтамиз ёгин-сочинли кунларга қолиб, нобуд бўлмасин.

▲ Колхоз ва совхозлардаги барча ишчи кучи ресурсларини теримга тўла сафарбар этайлик. Терим техникасидан янада самаралироқ фойдаланайлик.

▲ Пахта териш ва тайёрлаш суръатининг пасайишига йўл қўйманг, бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан кўпроқ пахта терилиши ва тайёрланишига эришинг.

ҲАР ДАҚИҚА ҒАНИМАТ

Олтин фасл — кузнинг биринчи ярми охирлаб, кунлар таноби тортилиб қолди, осмонда булутлар сузиб юрибди, совуқ шамол эсиб, ҳавонинг ҳарорати бирдан пасайиб кетди, айрим жойларда ёмғир шивалаб ўтди. Бу — пахтакор диёрининг меҳнат аҳлига бамисоли «ҳой, миришкор деҳқон, йил бўйи пешона тери тўкиб етиштирган ҳосилингни тезроқ йиғиб-териб ол, енг шимариб ғайрат отига қамчи босадиган долзарб палла келди» деган огоҳлантиришдек туюлди.

Дарҳақиқат, давлатимизнинг катта мадади, деҳқонларимизнинг бой тажрибаси, юксак маҳорати ва чўғ меҳнати билан етиштирилган «оқ олтин» дурдоналари ҳали миллиард-миллиард чаноқларда турибди. Пахтакор қутлуғ ният билан олий ҳиммат кўрсатиб далаларда жавлон урмоқда. Бу йил она-Ватанга 5 миллион 700 минг тонна олтиндан ҳам қиммат пахта армуғон этиб, партия XXV съезди тарихий қарорларини амалга оширишда улкан қадам ташлаш учун, КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун мардонавор курашмоқда. Ҳар бир колхоз ва совхоз, бўлим ва бригада коллективи етиштирилган мўл ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш, план ва юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун барча зарур чораларни кўрмоқда.

Бу йилги ҳосил йиғим-теримининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, Бухоро, Наманган, Фарғона, Андижон ва бошқа областлар дастлабки кунларданоқ пахта териш ва тайёрлашда юксак даражага эришдилар, кейинги кунларгача йиллик планнинг уч проценти миқдорида ва бундан ҳам кўпроқ пахта тайёрлаб келдилар. Ана шу областларда халқ хўжалик плани 50—60 процентдан ошириб бажарилди, йиллик марра тобора яқинлашмоқда. Мана, бир неча кундирки, Тошкент ва Жиззах областлари терим суръатини кучайтириб, кунлик ўсишда биринчи ўринга чиқиб олдилар. Бу областларда ҳар куни давлатга йиллик планнинг уч-уч ярим проценти миқдорида пахта топширилаётир.

Пахта териш ва тайёрлашда бундай юксак суръатга эришилаётганининг боиси шундаки, маҳаллий партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари теримчилар ва механизаторлар ўртасида ташкилотчилик ҳамда оммавий-сиёсий ишларни, социалистик мусобақани муттасил кучайтирмоқдалар, ҳар бир механик-ҳайдовчи ва теримчининг юқори унум билан меҳнат қилишига, бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ пахта теришига эришмоқдалар.

Республикадаги барча колхоз ва совхозларда бу йил ҳосил йиғим-терими жиззахликлар тадбири асосида ташкил этилди, ипатовоиликлар методи янада кенгроқ қўлланилди ва такомиллаштирилди. Область ва район партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари хўжаликларда ташкил этилган терим-транспорт отрядларининг барча звенолари аниқ ва пухта ишлаши, ҳамма жойда йиғим-терим ишлари дала—бункер—тележка—тайёрлов пункти усулида олиб борилиши, мавжуд барча терим агрегатлари икки сменада юқори унум билан ишлатилиши, уларнинг бункеридан имкони борича кўпроқ пахта тўкилиши ҳақида ғамхўрлик қилмоқдалар.

Партия ташкилотлари ҳосил йиғим-теримини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Боку шаҳрига Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида вазият ҳосилни йиғиштириб олиш, ташиш ва қабул этишда банд бўлган, уни сақлаш ва қайта ишлаш учун жавобгар бўлган барча кишиларнинг куч-ғайратларини янада кўпроқ сафарбар этишни ва уларнинг баҳамжиҳатлик билан ишлашини талаб қилади. Энг муҳими кучларни тўғри жойлаштиришни таъминлашдан, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларини кенг жорий этишдан иборат, деган кўрсатмаси асосида ташкил этдилар.

Ҳар йилгидек, бу йил ҳам ҳосил йиғим-терими мавсумининг янги қаҳрамонлари вужудга келмоқда. Ўнлаб ва юзлаб илғор механик-ҳайдовчилар мавсумда 200-300 тонна ва бундан ҳам кўпроқ пахта териш ҳақида сўз бериб ишлаб, юксак меҳнат унумдорлигига эришяптилар, ўз машиналари бункеридан ҳар куни 10-15 тонна ва бундан ҳам кўпроқ пахта тўкишга эришяптилар.

Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Энвер Алиев, Бўз районидаги «Партия XX съезди» колхозининг механизатори Абдуфаттоҳ Солиев, Ленин йўли районидаги Будённий номли совхознинг механизатори Холмўмин Сафаров ва бошқалар шулар жумласидандир. Партия ташкилотларининг вазифаси — илғор механик-ҳайдовчилар ва теримчиларнинг иш тажрибасини чуқур ўрганиб ва кенг оммалаштириб, пешқадамлар сафини кенгайтириш ҳамда шу йўл билан теримда меҳнат унумдорлигини оширишга эришишдан иборат. Шунга эришиш кераккки, ҳар бир механизатор ва теримчи кунлик нормани бир ярим-икки баравар ошириб бажарсин.

Айрим областлар ва районларда пахта териш ва тайёрлаш суръатида ҳамон ўзгариш бўлмаётгани ташвиш туғдирмоқда. Масалан, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида кундалик ўсиш ҳали 2 процентга чиққани йўқ. Автоном республика ва Хоразм области партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари терим суръатини барча чоралар билан кучайтиришлари, пахта териш ва тайёрлашдаги қолоқликка барҳам бериш тадбирларини кўришлари зарур. Бунинг учун муваффақиятнинг гарови бўлган машина теримини кучайтириш керак.

Вазифа — барча колхоз ва совхозлардаги ишчи кучлари, терим техникасидан максимум даражада самарали фойдаланиб, терим суръатини барча чоралар билан кучайтиришдан, далалардан кун сайин кўпроқ пахта териб олиш ва тайёрлашдан иборат.

ШУ КУННИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ



Республикамиз пахтазорларида машина терими тобора авж оляпти. Терим агрегатлари юксак унум билан ишлатилаётир. Шу туфайли «оқ олтин» хирмонига барака кириб, кун сайин кўкка бўй чўзяпти. Сизнинг эътиборингизга илғор механизаторларни ҳавола қиламиз. Суратларда: 1. Сирдарё область, Комсомол районидаги «Коммунизм» колхозининг мавсумда 150 тонна пахта териш мажбуриятини олган механик-ҳайдовчиси Саломат НАЗАРОВА. У кунига 8-10 тоннадан «оқ олтин»ни ўз агрегати бункеридан тўкяпти. 2. Фарғона область, Бағдод районидаги «Большевик» колхозининг механизатори Фазлиддин САКСОНБОЕВ. У мавсумда 320 тонна пахта теришга аҳд қилган. Кунига «Ўзбекистон» маркали агрегати билан 7—8 тоннадан дурдона теряпти. 3. Қашқадарё область, Нишон районидаги «ВЛКСМ XVIII съезди» совхозининг турсунойчи механизатори Мискинoй ҚУРБОНОВА. У кунига 12—14 тоннадан «оқ олтин» теряпти. 4. Тошкент область, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозининг моҳир механизатори Тошкан УРМОНОВ. Кунига 7—8 тоннадан пахта тераётган Тошкан «зангори кема» капитанлари мусобақасида ғолиблик қилмоқда. 5. Наманган районидаги «Қизил байроқ» колхозининг механик-ҳайдовчиси Маъмура ШОКИРОВАга тантанали равишда ғолиблик вимпели топширилди. Механизатор қиз мавсумда 100 тонна «оқ олтин» териш учун курашмоқда.

А. ТУРАЕВ, Т. ҲАМРОҚУЛОВ, Ш. СУЛТОНОВ, И. ГЛАУБЕРЗОН, Ҳ. ҲАЙДАРОВ. (ЎзТАГ) фотолари.

5 700 000 ТОННА „ОҚ ОЛТИН" УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 5 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий тайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида).

Бухоро	2,61	70,03	3,18	58,01
Наманган	2,54	65,47	3,53	56,23
Фарғона	2,48	63,68	2,92	44,68
Андижон	2,52	61,05	3,49	58,19
Қашқадарё	2,84	54,25	2,56	41,59
Сурхондарё	2,42	53,51	2,86	49,04
Тошкент	3,17	42,73	3,20	39,31
Жиззах	3,82	28,67	4,47	31,99
Самарқанд	2,81	25,34	3,08	20,55
Хоразм	1,76	19,18	1,11	8,01
Сирдарё	2,97	17,94	3,38	19,12
ҚҚАССР	0,87	10,76	0,46	2,66
Республика бўйича:	2,56	45,34	2,90	36,69
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Бухоро	2,23	49,61		
Наманган	2,43	46,39		
Сурхондарё	2,29	32,19		
Қашқадарё	1,59	22,77		
Республика бўйича:	2,10	31,55		

* * *

Юқоридаги маълумотдан кўриниб турибдики, Жиззах области 4 октябрь куни йиллик планнинг 3.82 проценти миқдорида пахта тайёрлаб, кунлик ўсишда республика областлари ичида энг юқори кўрсаткичга эришди. Жиззахликлар ипатовоиликлар методини кенг ва самарали қўллаб, терим машиналарини юқори унум билан ишлатиб, машина теримида ҳам ибратли натижаларга эришмоқдалар. 4 октябрь куни «зангори кема»лар билан машинада пахта териш юзасидан белгиланган йиллик планнинг 4.47 проценти миқдорида пахта терилгани бунинг далилидир.

Кейинги кунларда Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд областларида пахта тайёрлаш суръати кучайтирилгани ҳолда, Наманган, Бухоро, Андижон, Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё областлари суръатни анча сусайтириб юбордилар.

Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида пахта тайёрлаш суръатида ўзгариш бўлмаётир. 4 октябрь куни автоном республикада йиллик планнинг 1 процентидан ҳам кам пахта тайёрланди, Хоразм областида эса кунлик ўсиш 2 процентга ҳам етмади.

Умуман республикада пахта тайёрлаш суръати ўтган йилдагидан анча орқада бормоқда. Ўтган йили 5 октябргача 4 миллион 63 минг 665 тонна пахта тайёрланиб, йиллик план 75,96 процент бажарилган бўлса, бу йил шу муддатгача давлатга 2 миллион 493 минг 518 тонна пахта топширилиб, план энди 45,34 процент адо этилди.

Пахта териш ва тайёрлашдаги қолоқликка барҳам бериш чораларини кўриш, ҳамма жойда терим суръатини кескин ошириб, ҳар куни имкони борича кўпроқ пахта териш ва тайёрлашга эришиш зарур. Ҳозирги куннинг асосий талаби шундан иборат.

МОСКВАГА КЕЛДИ

Араб Социалистик Уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Хафиз Асад КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан 5 октябрда дўстона расмий визит билан Москвага келди.

САР ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Хафиз Асадни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов, бошқа расмий кишилар самолёт пиллапояси ёнида табриклаб кутиб олдилар.

Учиш майдонида Қуролли Кучларнинг уч тури — пиёдалар, учувчилар ва денгизчиларнинг фахрий қоровули саф тортди. Л. И. Брежнев билан Хафиз Асад совет жангчилари сафи олдидан ўтдилар. САР ва СССР давлат гимнлари ижро этилди.

(ТАСС).

ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ВАЗИЯТИДА

5 октябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устиновнинг Араб Социалистик Уйғониш партияси (АСУП) Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Хафиз Асад билан музокаралари бошланди.

Музокаралар дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида ўтмоқда. Яқин Шарқдаги аҳволга асосий эътибор берилди. Кэмп-Дэвидда Миср ва Исроил раҳбарлари ўртасида АҚШнинг актив иштирокида тузилган сепарат битим натижасида шу райондаги вазият тағин ҳам кўпроқ чигаллашганлигини томонлар қайд этишди. Улар якдиллик билан шу фикрни изҳор этдиларки, араб халқларидан пинҳон тутиб ва уларга қарши, уларнинг манфаатларига хилоф равишда тузилган шу битим Яқин Шарқ проблемасини одилона ва ҳар тарафлама ҳал этишни анча қийинлаштирэди ҳамда Яқин Шарқда чинакам тинчликка эришишни орқага суради.

Музокаралар давомида Совет Иттифоқи билан Сурияниг Яқин Шарқда Исроил томонидан 1967 йилда оккупация қилиб олинган барча араб ерларини сўзсиз озод қилиш ва фаластинлик араб халқининг ажралмас миллий ҳуқуқларини, жумладан унинг ўз тақдирини белгилаш ва ўз мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқини амалга ошириш асосида одилона ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш йўлидаги курашни давом эттиришга аҳд қилганликлари тасдиқланди.

Турли соҳалардаги Совет — Сурия ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари хусусидаги фикрлашувлар ҳам бўлиб ўтди. Шу фикрлашув чоғида бу ҳамкорлик муваффақиятли ривожланаётганлигига ишонч изҳор қилинди. Совет Иттифоқи билан Суриянинг раҳбарлари СССР билан САР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш иккала мамлакат халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади, деган якдил бир фикрни билдирдилар.

Музокаралар давом эттирилади.

(ТАСС).

Суратда: музокаралар пайти. (ТАСС — ЎзТАГ телефотоси).

ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН

ЭЗГУ АНЪАНАЛАР РУҲИДА

Турли халқаро конференциялар, кинофестиваллар, симпозиумлар ўтказиладиган жой бўлиб қолган Ўзбекистон пойтахти — меҳмондўст Тошкент жаҳондаги турли мамлакатлардан келган дўстларни яна шод-хуррамлик билан кутиб олмоқда. Булар — Осиё ва Африка қитъалари ёзувчиларининг биринчи Тошкент конференцияси йигирма йиллигини нишонлаш учун ўтказиладиган шу мамлакатлар ёзувчилари халқаро учрашувининг иштирокчиларидир. Бу учрашув иштирокчиларининг дастлабки группаси республика пойтахтига ҳозироқ етиб келди.

— Мен Тошкентда илгари ҳам бўлганман. Мен бу шаҳарни севиб қолдим. Ана шу ажойиб шаҳар билан, шу шаҳарда яшайдиган ва бу ерга жаҳоннинг турли жойларидан Осиё ва Африка ёзувчиларининг биринчи учрашуви йигирма йиллигига бағишланган байрамимизга келадиган дўстларим билан яна учрашишдан беҳад хурсандман, — деди ЎзТАГ мухбирига Осиё ва Африка ёзувчилари уюшмаси бош секретарининг ўринбосари, «Нилуфар» мукофотининг лауреати, машҳур Жанубий Африка ёзувчиси Алекс Ла Гума. — Тинчлик ва дўстлик, икки қитъа халқларининг порлоқ келажаги учун, империализмга, мустамлекачиликка ва ирқчиликка қарши курашда Осиё ва Африканинг тараққийпарвар ёзувчилари худди шу ерда жипслашдилар.

Биз биринчи конференциянинг юбилейини Тошкентда нишонламоқчимиз, кейинги йигирма йил мобайнида эришилган муваффақиятлардан биргаликда қувонмоқчимиз. Бу йигирма йил — катта ўзгаришлар юз берган вақт бўлди. Осиё ва Африканинг кўпгина мамлакатлари миллий мустақилликка эришдилар. Мустақил ривожланиш йўлига чиқиб олдилар. Мустамлакачилик кишанларини парчалаб ташлаган мамлакатларда социал, иқтисодий ва маданий ривожланиш учун катта имкониятлар туғилди. Вьетнам халқининг эришган ғалабаси — ўтган йигирма йил мобайнида жаҳондаги тинчликсевар кучлар эришган буюк ғалабалардан биридир.

Шуни таъкидлаб ўтиш кераккки, империализм кучларининг найрангларига қарамасдан йигирма йил мобайнида ёзувчилар ҳаракати анча мустаҳкамланди, миллион-миллион кишиларнинг миллий-озодлик курашида фаол иштирок этадиган таъсирли куч бўлиб қолди.

Лекин эришилган бу ғалабалар пухта ҳимоя қилиниши керак. Империализм Осиё ва Африкада ўзининг бутунлай йўқотган позицияларини қўлга киритиш учун бутун жон-жаҳди билан куч сарфламоқда. Янги мустамлакачилик, апартеид — халқларни эзишнинг бу формалари планетамизда ҳали тугатилгани йўқ. Унга қарши кескин курашиш зарур.

Тошкентда бўладиган бу галги учрашувимиз ёзувчилар ҳаракатига, тинчлик ва социал тараққиёт учун умумхалқ ҳаракатига янги кучларни қўшади, бу учрашув халқларнинг тинчлик, озодлик учун кураш ҳаракати йўлига ғов солишга уринаётган империализмнинг янги найранглари муносабати билан бугунги кунда айниқса зарур бўлган бирликни — ана шу қитъалар тараққийпарвар барча маданият арбоблари бирлигини янада кўпроқ мустаҳкамлайди.

Ҳар бир тараққийпарвар ёзувчи халқларни озод қилиш ҳаққоний ишига ҳисса қўшишга интилмоқда, — деди Алекс Ла Гума ўзининг янги асарлари тўғрисида мухбирнинг берган саволига жавоб қайтариб. — Яқин орада Совет Иттифоқида босилиб чиқадиган янги романим ана шундай ҳисса бўлади, деб ишонгим келади. Бу роман ҳозир Жанубий Африкада содир бўлаётган воқеалар тўғрисида ҳикоя қилади. Бу асар менга ғоят азиздир

САБЗАВОТКОРЛАР ТУҲФАСИ

Тошкент районининг меҳнаткашлари СССР янги Конституцияси бир йиллиги шарафига муносиб меҳнат туҳфаси тайёрладилар. Давлатга 77,5 минг тонна сабзавот, 13,5 минг тонна картошка, 8100 тонна мева ва 6014 тонна узум сотилиб, бу соҳадаги йиллик планлар ошиғи билан бажарилди.

Эришилган ғалабага Ленин номли, Карл Маркс номли, Ильич номли, Охунбобоев номли, Навоий номли, «Ленин йўли» ва «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозларининг меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Район сабзавоткорлари давлатга яна 13 минг тонна маҳсулот сотиш мажбуриятини олдилар.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти корхоналарининг коллективлари СССР Конституцияси кунини муносиб кутиб олиш учун мусобақани авж олдириб, беш йилликнинг уч йили маҳсулот реализация қилиш юзасидан юксак социалистик мажбуриятларини 5 октябрда муваффақият билан адо этдилар. Йил охиригача яна 10,4 миллион сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

АНДИЖОН. Комсомолобод районидаги «Партия XXIV съезди» совхозида пахта йиғим-терими жадал бормоқда. Хўжалик меҳнаткашлари бу йил 6 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга қарор қилишган. Бу — ўтган йилдагидан 850 тонна кўп. СУРАТДА: совхоз бош агрономи Ёқуб Қўшоқов (ўнгдан учинчи) механизаторлар билан терилаётган пахтанинг сифати ҳақида суҳбатлашмоқда.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

ШТАБ ҲАРАКАТДА

РЕПОРТАЖ

ҚУМҚЎРҒОН районининг пахта штаби район партия комитети биносида жойлашган. Бизни штаб диспетчери — район партия комитетининг инструктори Абдухолиқ Шоймқулов илиқ кутиб олди.

Бурчакдаги тумбочка устида турган учта телефон тез-тез жиринглайди.

— Алло, пахта штаби эшитади, — дейди трубкани кўтариб диспетчер. — Мен диспетчер Шоймқуловман.

— «Ўзбекистон» совхози пахта штабининг бошлиғи Каримов гапиряпти. Сўнгги ахборотни қабул қилсангиз: хўжалигимиз бугун йиллик пахта тайёрлаш планини 70 процентга етказди. Кунлик ўсиш 3,5 процентни ташкил этди. 38 терим агрегатидан 36 таси ишлади. Ҳар бир машинанинг кунлик иш унуми 6,5 тоннани ташкил этди.

Диспетчер бу ахборотни зудлик билан тегишли дафтарга қайд қилди. Шу пайт иккинчи телефон жиринглади. «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхози пахта штабининг бошлиғи Нуриддин Раҳмонқулов бир кунлик иш якуни ҳақида тўлиқ маълумот берди. Ахборотдан совхоз машина терими планини 50 процент уддалагани, кунига 4,5—5 процент миқдорида пахта тайёрлаётганлиги, механик-ҳайдовчи Жаббор Яллаев ҳар куни 12—13 тонна пахтани бункердан бўшатиб, ҳозиргача 170 тонна «оқ олтин» терганлиги, қўл теримида графикдаги 2000 киши ўрнига 2188 киши қатнашиб, ҳар куни 100 тоннадан зиёд ёки киши бошига 48—50 килограммдан чўл дурдонаси тераётганлиги маълум бўлди.

Телефонлар жиринглашдан тўхтаганда штаб диспетчери билан суҳбатлашдик. Маълум бўлишича, йиғим-терим бошланиш арафасида райком бюроси 15 кишидан иборат район пахта штабини тасдиқлаган. Райкомнинг биринчи котиби Ч. Алматов штаб бошлиғи этиб тасдиқланган.

Штабнинг иш плани, йиғим-терим даврига белгиланган конкрет тадбирлари, штаб аъзоларининг навбатчилик графиклари кўзга кўринарли ерга осиб қўйилган. Шу боисдан бўлса керак район пахта штабининг ҳамма иши баайни соат механизмидай ташкил этилган. Бу ерда барча саволларга жавоб олиш, хоҳлаган хўжаликдаги аҳволни билиш мумкин.

Деворга осиб қўйилган варақалардан биз Қумқўрғон райони хўжаликларида бу йил она-Ватанга 55 минг тонна, шу жумладан 30 минг тонна ипак пахта етказиб бериш учун кураш қизғин тус олганлигини, ҳар куни йиллик планнинг 2,5—3 проценти миқдорида пахта тайёрланиб, ҳозиргача 20 минг тоннадан зиёд хирмон уюлганлигини, йиллик план 50 процентдан ошиқ бажарилганлигини билиб олдик. Район хўжаликларида 217 та «зангори кема» бўлиб, улар ипатоволиклар методи асосида 22 та терим-транспорт отрядига уюшган.

Хуллас, Қумқўрғон районининг пахта штаби йиғим-терим ишларининг ҳақиқий марказига айланган. Бу ерга келиб-кетиб турувчи кишиларнинг кети узилмайди. Кечалари штаб хонаси ҳақиқий жанговар марказга айланади. Кеч соат 8 ларда бу ерга штабнинг ҳамма аъзолари, хўжаликларнинг раҳбарлари, бош мутахассислари, партия, совет, касаба союз, комсомол активлари йиғилишиб, бир кунлик ишга якун ясайдилар, ютуқларни қайд қиладилар, камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўрадилар, эртаги куннинг аниқ вазифа ва режаларини белгилайдилар. Сўнгра ҳамма жой-жойига — хўжаликларга, далачилик бригадалари ва бўлимларга, тайёрлов пунктларига йўл оладилар. Пахта штаби коллективи ҳамиша сергак ва ҳаракатда.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Учқўрғонликлар ташаббуси асосида

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

ОЛТИН қўллар яратаётган «оқ олтин»ни гард юқтирмай йиғиштириб олиш пахтакорлардан қанчалик масъулият талаб этса, уни сақлаш ва қайта ишлашда қабул пункти, пахта тозалаш заводлари ходимларидан ҳам шунча жавобгарлик талаб қилинади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган учқўрғонликлар ватанпарварлик ташаббусида ана шу ҳамкорлик ўз ифодасини топди.

Шу муносабат билан «Совет Ўзбекистони»нинг Жиззах области мухбири Н. Мирзаев Дўстлик районида бўлиб, пахтакорлар билан пахта тозалаш заводи ходимларининг давра суҳбатини ўтказди. Қуйида суҳбат мазмуни эътиборингизга ҳавола этилади.

СИФАТ МАСЪУЛИЯТИ

А. МУЛИКОВ,
«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози директори.

Сифатли пахта ҳосили етиштиришдан давлат, тўқимачилик корхоналари қанчалик манфаатдор бўлса, ишчиларимиз ҳам шунча наф кўради. Хўжалигимизда ўтган йили олинган 580 минг сўм соф фойданинг 350 минг сўми пахтачиликдан келди. 1,5 минг тонна пахтанинг 1,4 минг тоннаси юқори сортларга қабул қилинганди. Пландан ташқари етиштирилган 750 тонна пахтанинг ярим қиммати тўлиғи билан рағбатлантириш фондимизга келиб тушди. Бунинг 40 проценти эса ишчиларга устама ҳақ сифатида тақсимланди. Шу ҳисобдан илғор механизаторларимиз 7 минг сўмгача қўшимча ҳақ олишди.

Сифатли ҳосил етиштириш учун кураш дефолиациядан, ғўза парваришидан, ҳатто чигит экишдан бошланади. Бу деган сўз, аввало гектарлар тўлиқ бўлиши, яганаси яхши қилиниши, бегона ўт йўқотилган, ғўзаларнинг бўйи 80—100 сантиметр атрофида бўлиши керак. Ғўза барги бир текис тўкилса, машиналар соз ишласа деҳқонга ҳеч нарса панд беролмайди. Иш унумли, ҳосил сифатли бўлади.

Кўпдан бери биз бир йилда икки йиллик план миқдорида пахта етиштириб келамиз. Бу йил ҳам планимизни областда биринчи бўлиб бажардик. СССР Конституциясининг бир йиллигига икки план миқдорида — 1300 тонна пахта етиштириш учун ҳамон зўр суръат билан ишлаяпмиз. Ҳар бир машина кунига 8—9 тоннадан дур теряпти. Ҳосил «дала — бункер — тележка — пункт» маршрути бўйлаб пешма-пеш эл омборига жўнатиляпти. Машиналар иши коммунистлар назоратида. Б. Ниёзматов, З. Каршиев, М. Қиличев, А. Кун сингари мутахассислар сифат учун курашда жонбозлик кўрсатишяпти. Сифат комиссиясига бош агроном Т. Туробов бошчилик қилади. Тоза терган механизатор иш ҳақига 20 процент қўшимча ҳақ олади. Тўкиб терган механизаторнинг иш ҳақидан эса шунча миқдорда чегирилади. Мавжуд 30 тележканинг ҳар бири махсус ёпғичлар билан таъмин этилган.

Тўхта Исматов, Исоқ Акрамов бошлиқ бригада далаларидан бир теримдаёқ 20—24 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Ш. Шарипов, С. Исроилов, И. Вил сингари механик-ҳайдовчилар мавсумда 65—70 тоннадан дур тўкишди. Мажбурият ҳисобига ҳам 40 процент миқдорида пахта топшириб қўйдик. Терим зўр суръат билан давом этяпти. Ҳали пахтамиз паст сортга ўтгани йўқ.

Сифат, бу—тезкорлик эмас. Лекин далалар теримга яхши тайёрланса, ишнинг суръати ҳам, маҳсулот сифати ҳам юқори бўлади. Далалар яхши тайёрлангани билан терилган пахта ерга ағдарилса, пахта сифати бузилади. Афсуски, бундай ҳоллар учраб туради. Бу ҳам етмаганидек, пахта баъзан заводда ҳам чанг-тўзонда қолади... Яқинда мен ўзимиз ҳосил топширадиган заводда бўлдим. Бу ерда қурила бошланган чанг камераси битмай қолибди. Шу сабабли заводдан чиққан чанг пахта ғарамлари устига қўнмоқда.

ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

А. ЖЎРАЕВ,
пахта тозалаш заводи директори.

Область пахта тозалаш саноати ходимлари олдида улкан вазифалар турибди. Улар бу йил биринчи марта етиштириладиган барча 310 минг тонна «оқ олтин»ни область территориясидан четга чиқармай қайта ишлашга бел боғлашган. Шу мақсадда областда янги Учтепа пахта тозалаш заводи ишга туширилди.

Ўтган йили заводда тола сифати яхши бўлмади. Бунга, пахтакорлар кўплаб ифлосланган ҳосил топширганлари сабаб бўлди. Бу, корхона иқтисодий-техника кўрсаткичларига таъсир қилмай қолмади, албатта. Заводдаги қолоқлик доғини ювиш, тола ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди. «ЧХ—3М» машиналари сони 5 тага кўпайтирилди. Шнекларга пахтани тозалаб узатадиган машиналар ўрнатилди. Момиқ тозалайдиган машиналар ишга туширилди. Завод уч сменада ишлай бошлади. Пахтани икки марта тозалашни йўлга қўйиш туфайли тола ишлаб чиқариш сифати кескин яхшиланди. Бугун ишлаб чиқарилаётган толанинг даражаси бўйича юз процент сифатга эришилмоқда, дейиш мумкин. Бу завод тарихида катта воқеа бўлди. Чўл дурдонасидан олинган бу йилги толанинг биринчи эшелони қардош ригалик тўқимачиларга жўнатилди.

Ишлаб чиқарилаётган толанинг сифатли бўлиши чўлқуварлар етиштирган «оқ олтин»нинг қабул қилиниши ва яхши сақланишига ҳам боғлиқ. Шунинг учун биз сифат учун кураш ишини мавжуд қабул пунктларидан бошладик. Пунктлар тажрибали лаборант ва товаршунослар билан тўлдирилди. Ҳосил товаршунослар томонидан сортларга ажратилгач, тури ва сортига қараб алоҳида майдончаларга ғарамланмоқда. Район бўйича ҳосилни қабул қилиб узатадиган 70 дан ортиқ механизм ишлаб турибди. Пахта ғарамлангач, 5—6 кун ичида унга вентиляторлар ўрнатилмоқда. Лаборатория ходимлари товаршуносларни ғарамлардаги ҳарорат ҳақида ўз вақтида хабардор қилиб туришибди. Бу ишда қатъий тартиб ўрнатилган.

Тола сифати учун кураш ҳамманинг ишига айланган. Ҳар бир ишчи ва мутахассис бу ишга муносиб ҳисса қўшишга интиляпти. Заводнинг тўхтовсиз ишлашида ва сифатли тола ишлаб чиқаришда Аҳмад Ғозиев, Рим Шарафиддинов, Ислом Мирсаидов, Иван Безруков сингари зарбдорлар жонбозлик қилишяпти.

Биз бу йил Дўстлик райони пахтакорларидан 80 минг тонна, арнасойликлардан 15 минг тонна ҳосил қабул қилиб оламиз. 60 минг тонна ҳосилни қайта ишлаб, 20 минг тоннага яқин тола тайёрлаймиз. Ишлаб чиқариладиган толанинг сифатли бўлиши пахтакорларга ҳам боғлиқ. Афсуски, айрим хўжаликлардан ҳозирданоқ пахта ифлосланиб келмоқда. Райондаги Саркисов номли 12-совхоздан келаётган ҳосилнинг ифлослик даражаси 15 процентни ташкил қилмоқда. Баъзи хўжаликлардан келаётган ҳосилнинг сифатига қараб, пахтазорлар теримдан олдин бегона ўтлардан мутлақо тозаланмаганини, ғўза барги яхши тўкилмасдан далага машиналар киритилишига йўл қўйилганини билиб олиш қийин эмас.

Ҳа, қарс икки қўлдан чиқади. Сифат учун биргаликда курашилган тақдирда тола сифатли бўлади. Учқўрғонликлар ташаббусига қўшилган ҳар бир пахтакор ва пахта тозаловчи ана шунга амал қилиши керак.

ПАХТАЗОР — ЧЎЛ КОММУНИСТЛАРИ

АҲДИГА ВАФОДОРЛАР

Бешариқ районидаги «Искра» колхозининг икки марта Ленин ордени кавалери Т. Росабоев бошлиқ бригадаси аъзолари катта меҳнат зафарини қўлга киритдилар. Улар 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» йиғиб олиб, йиллик планни муддатидан олдин адо этдилар.

Бригада аъзолари йиғим-теримни юксак суръат билан давом эттирмоқдалар. Улар ҳар гектар ердан яна 20 центнердан пахта топшириб, ҳосилдорликни гектар бошига 55 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

* * *

Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг У. Рамазанов бошқарувчилик қилаётган бўлими пахтакорлари ғалаба рапортига имзо чекдилар. Бўлим ишчилари ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» териб олишди. Улар ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

ПЎЛАТ ЭТАКЛАРДА

ТЕРМИЗ («Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбиридан). Сариосиё райони механизаторлари машина теримини уюшқоқлик билан ўтказаётирлар. Кеча бу ерда 200 дан ортиқ «зангори кема»нинг ҳар бири билан ўртача 5-7 тоннадан «оқ олтин» териб олинди. Свердлов номли, Охунбобоев номли колхозлар машина теримида район хўжаликлари орасида илғорликни қўлдан бермаётирлар. Бу хўжаликларда ҳар бир терим агрегати билан 10-12 тоннадан «оқ олтин» териб олишга эришилмоқда.

1970 йилнинг кеч кузаги.

Кимсан, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Абдуолим Маликовнинг қизи Дилбархонга совчилар кела бошлади.

— Отаси, қизлик уйга қирқ от бойланар экан, Дилбархонга совчилар келяпти, — деди она.

— Кимлар экан?

— Ҳар хил. Сариқ этигиям бор, қизил этигиям. Нақди Зиёдулладан. Дилбархон ҳам уни ўпоқ, буни сўпоқ, дейди-ю, Зиёдулланинг номини эшитса, анор гулидай қизариб, индамай тураверади. Қизингиз ҳам ўн йилликни тугатди, ахир.

— Ҳай, сукут аломати ризо. Зиёдулласи ким экан? Суриштирдингми?

— Э, ипидан игнасигача суриштирдим. Ўзимизнинг Ғаллаоролдаги Ғафур Ғулом номли совхозданакан. 46-йил туғилган бўлса нечага кирган бўлади? Отаси ҳам, онаси ҳам ёлғизлатиб кетганакан шўрликни. Укаси боракан. Самарқанд медицина билим юртини тугатганакан. Каттагина касалхона ходимиякан. Ёмонмас.

— Ёмонмас-ку, йигит деган деҳқончилик қилса-да, пахта экса-да.

— Шу сизнинг доянгиз танглайингизни пахта билан кўтарганда. Шунча йил бўптики, бир лаган ошни сиз билан мундай эр-хотинлардай иссиққина бирга еганимни билмайман, ҳали дўл, ҳали сел, ҳали қатқалоқ, ҳали кўсак қурт.

—Булбулигўёлик қилма. Деҳқоннинг топгани баракали бўлади. Фақат маошига қараб, эри-хотин бир-бирига латифа айтиб ўтиргандан нима фойда.

— Ҳа-я. Совчиларга нима дей!

— Қизингни айтганини қил. Тешик қулоқ гап эшитмай қолмайди. Абдуолим Маликовнинг сўзларини Зиёдулла ҳам эшитганди.

Орадан кўп ўтмай Зиёдулла билан Дилбархоннинг тўйлари бўлиб ўтди. Улар бирдан олдин, бирдан кейин дегандай сокин яшай бошлашди. Соғломлаштириш пунктининг мудири Зиёдулла Шукуров аниқ бир пайтда ишга кетиб, аниқ бир пайтда келар, кўнглида эса Дилбархоннинг отаси — Абдуолим аканинг сўзлари кун сайин ниш отарди.

1976 йилнинг декабрь ойи. Қаклик овидан қайтган йигитлар оқшом йиғилиб улфатчилик қилишарди.

Хонага Кичанов номли совхоз директори Аҳмаджон Валиев кириб келди. У ҳол-аҳвол сўрагач, мақсадга кўчди.

— Сизларни чўлга таклиф қилиб келдим, укалар. Чўлга одам керак. Сувдай керак. Талабгор бўлса...

Эртаси куни, Зиёдулла Шукуров бош — Пирим Отақулов, Пардабой Йўлдошев, Мустафо Башаров, Бекбўта Фармонов, Боли Санақулов, Маҳмуд Нуримов, Эшниёз Абдуллаев, Бойхўроз Тўхтамишев, Тиркаш Имяминов каби оташқалб йигитлар яхоб сувини сипқораётган далалар ёқалаб Кичанов номли совхозга кириб келдилар ва от совутар қилмасдан енг шимариб ишга тушдилар. Ҳаммаси мутахассис йигитлар эмасми, энг аввал тракторлар ремонтдан чиқарилди, дарахтлар буталди. Яхоб суви берилди. Кўчиб кирган уйларининг пардоз-андозига қарашди, чўлни мангу ватан қилишга киришди.

Зиёдулла Шукуровга 200 гектарлик ер берилди. Ёшгина бригада бошлиғи пахтачилик алломаларидан бири, ўттиз йиллик бригадир Бобоқул Сариевдан нимани билса, шуни ўрганди. Натижа ёмон бўлмади. Зиёдулла бошлиқ бригада коллективи ўтган йилнинг ўзида 200 гектар ернинг ҳар гектаридан 50,5 центнердан хирмон кўтарди. Зиёдулланинг ўзи икки қаторлик машина билан 205 тонна пахта терди.

Бу йил янги ташкил этилган 9-бўлим бошқарувчилигига Зиёдулла Шукуров муносиб деб топилди. Зиёдулла бу ишга ўзини тавсия қилган кекса коммунистларнинг юзини ёруғ қилди. 20 август куниёқ энг биринчи кўсаклар шу бўлимнинг Нурмон Олломуродов бошлиқ бригада пахтазорларида очилди. Ҳар туп ғўзада 10-12 тадан кўсак бор. Шу кунларда бу ердаги 12 терим машинасининг овози бутун борлиқни тутган. Олдинда Амрулло Ҳалимов. Ўтган йилги 150 тонналик рақам уни қониқтирмайди. Марра — 200 тонна. Нариги картада ота-бола Абдуҳаким ва Бозорбой Ортиқовлар! Исомиддин Элишев, Ёқубхўжа Мавлонов, Бўлабой Сариев, Тиркаш Имяминов каби чўлқуварлар меҳнати туфайли 425 гектарли пахта майдонининг ҳар гектаридан ҳозиргача 36 центнерлик ҳосил яралди.

Хирмонлар қад кўтармоқда!

* * *

Қайси бир кичановлик деҳқон ҳақида маълумот олмоқчи бўлсангиз, совхоз касаба союз комитетининг раиси Исматулла Набираевдан сўрайверинг. Рентгендан чиққандай аниқ жавоб беради.

— Э, Жуман Сувоновми! Зўр деҳқон у, — дейди Исматулла йўл-йўлакай машинани саккизинчи бўлим йўлига бураркан. — Олий маълумотли агроном, зўр бўлмаса ҳам уят бўлади-да. Ўзи лекин тошбақанинг юришига қараб оби-ҳавони уч кун илгари айтиб беради. Тажриба бор-да!

Хўш, Жуман Сувонов тажрибани қаерларда орттирди? Кимдан ўрганди?

Энг аввало ерга кетмон уришни раҳматли отаси Сувон акадан, ҳар бир ниҳолни кенжатойдек ардоқлашни момоси Турсунхондан ўрганган. Момо ҳам табаррук. 85 қовун пишиғини кўрди. Умуман асли бахмаллик Сувоновларнинг ҳаммаси деҳқон. Акаси Баҳром Сувонов 40 центнерчи бригада бошлиғи. Отабой ҳам, Ашир ҳам сувчи. Бўрон ҳам пахтакорнинг хизматида. Боғбон, Гулсун Сувонова ҳам пахтада. Пахтакорлар сулоласи бу!

Дарвоқе, сўзимиз тажриба ҳақида эди. Сувонов бу тажрибаларни саккиз йил бригадир, бўлим бошқарувчиси, агроном ва бош агроном ўринбосари бўлиб ишлаб юрган пайтларида, қолоқ хўжаликларни илғорлар қаторига кўтарган кезларда орттирди. Олти йил «зангори кема»да 220 тоннагача етказиб пахта терди. Шу йилнинг январь ойидан бошлаб 515 гектарлик қолоқ бўлимга бошқарувчилик қиляпти. План гектар бошига 30 центнердан. Лекин коммунист Жуман Сувонов 35 центнердан бўлади, деб сўз берган. Кушнинг парвози қанот билан дейишади. Жуманнинг ҳам қанотлари бор. Булар: Дилбар Турдиқулова, Хўжақул Сурмонов, Баҳром Сувонов, Мамадиёр Авазов каби 40—50 центнерчи бригада бошлиқлари, Эсон Тошбековдек билимдон агроном, Абдужаббор Абдуғафуров, Ваҳобжон Турдиқулов, Абдуғаффор Турсунов, Жонибек Жўраев каби механик-ҳайдовчилар — коммунистлар...

Набираевнинг сўзларидан кейин бутун вужудини чўл шамоли ялаб ўтган Жуман Сувоновга: «Ҳорманг, чўл лочини», — деб қўйишдан бошқа сўз қолмаганди.

Анвар ЭШОНОВ,
Пахтакор районидаги
Кичанов номли совхоз.

МЕНИНГ ПАХТАМ

Оппоқ пахтам, оқ тонг пахтам, дурдонасан,
Сен мен учун олтин эмас, нурхонасан,
Олтмиш йилки, сен машҳури замонасан,
Сўз топилмас мадҳингни мен сўйлай десам.

Сен эмасми қўлимдаги зафар туғим!
Сен эмасми ўчоғимда ёнган чўғим!
Ўзингмасми мол-давлатим, бору йўғим!
Қалам ожиз, кислатингни куйлай десам.

Қирчиллаган қишдан кейин келар кўклам,
Кўз олғувчи яшилликка тўлар ўлкам.
Пахтам, сенга сиғинаман, десам бу кам,
Бир уфқсан, бўйим етмас бўйлай десам.

Отам чиқар, онам чиқар, мен чиқарман,
Эгатларга интиқ-интиқ кўз тикарман,
Минг сел келса қайта бошдан минг экарман,
Ахир, нетай, суйдирасан, суймай десам.

Ғоҳо тунлар бошгинангда парвонаман,
Кўнглим ўсар, сен ўсарсан, қувонаман,
Сени ўйлаб фақат сен-ла юпанаман,
Фурсатим йўқ уйда ётиб ўйлай десам.

Ер шари кенг феълим қадар, осмон қадар,
Деҳқонман-да, гоҳ эгатда тонгим отар,
Сени кўрсам бор ғашлигим тарқаб кетар,
Шодланаман элу юртни сийлай десам.

Бугун бошда толе қуши — омон-омон,
Бобом айтмиш: бўлмаган ҳеч бундай замон!
Пахтам, сен бор, яшаяпман дориламон,
Қалбим жўшар изҳори дил айлай десам.

Амирқул ПЎЛКАНОВ.

Элликқалъа районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхози далаларида машинада пахта териш кун сайин авж олдирилмоқда. Хўжалик пахтакорлари бу йил 1220 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 37 центнердан пахта топшириш мажбуриятини қабул қилишган. Совхозда пахта йиғим-терими ипатоволиклар методи асосида олиб борилаётир. 44 механик-ҳайдовчи ҳамда 20 тракторчи бу ишда фаоллик кўрсатмоқда. СУРАТДА: хўжаликнинг илғор механизатори Худойберган Аллашев. У мавсумда 400 тонна пахта териб бермоқчи.

А. Лихварь фотоси. (ЎзТАГ).

«ЎЗБЕКИСТОН» ПЛАКАТЛАРИ

СОВЕТ сиёсий плакатлари Граждалар уруши йилларида туғилди, ривож топди. Мамлакатни индустрлаштириш ва колхозлаштириш даврида агитациянинг кучли қуролига айланди. Биринчи беш йилликларда оммани социализм ғалабаси учун курашга чорлади. Улуғ Ватан уруши даврида халқни душманга қарши отлантиришда катта роль ўйнади. Революцион варақалар, «РОСТА ойналари», «ТАСС ойналари» қатори «ЎзТАГ ойнаси» ва «Ўзбекистон» нашриёти плакатчи рассомлари ҳам даъваткорлик, сафарбарлик ва чақириқ руҳидаги коммунистик пропаганда плакатлари ривожига катта ҳисса қўшдилар. Айни бир пайтда кўргазмали агитациянинг муҳим тасвирий тури — бундай плакатлар ўз моҳият-эътибори билан ҳозир ҳам республикамиз халқ хўжалиги тараққиётида катта аҳамият касб этмоқда. Айниқса, кундалик ҳаётнинг энг муҳим мавзуларини плакат тили билан сўзлаб, меҳнат аҳлини бунёдкорлик ишларига даъват этишда муҳим тарбиявий роль ўйнамоқда.

«Халқлар дўстлиги» орденли «Ўзбекистон» нашриёти ҳар галгидек бу йил ҳам мамлакатимизнинг бебаҳо бойлиги — «оқ олтин» терими тобора оммавий тус олаётган шу кунларда йиғим-терим ишларига даъват этувчи янги плакатлар туркумини чиқарди. «Ваъдамиз қатъий», «Оқ олтин»ни олтин қўллар яратади!», «Дала гвардиячиларига тенглашайлик!», «Ҳосил тақдири сенинг қўлингда», «Деҳқон бўлсанг — шудгор қил!» сингари ўнлаб плакатлар шулар жумласидандир. Н. Галиев, Д. Файзираҳмонов, А. Балканов, Н. Тен, А. Лигай сингари рассомлар қаламига мансуб бу плакатлар кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортмоқда.

Плакатлардаги бўёқлар ранг-баранглиги, нозик композицион сезги, мазмунга фалсафий ёндашиш рассомларнинг юксак дидидан дарак бериб турибди. Чунончи, рассом Н. Галиевнинг «Ваъдамиз қатъий!» номли плакатида лафзи ҳалол механизатор йигитнинг 5 миллион 700 минг тонналик улкан пахта хирмонига бўлган комил ишончи акс этган бўлса, Д. Файзираҳмонов плакатида «оқ олтин» бунёдкори — «олтин қўл»ли пахтакор ўзбек деҳқони мадҳ этилади.

Шунингдек, нашриёт коллективи КПСС XXV съезди ва партия Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларини ҳаётга кенг татбиқ этишга йўлловчи плакатлар чиқарилишига ҳам катта эътибор беряпти. Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, чорвачиликни саноат негизига кўчириш, пахтачиликни комплекс механизациялаш, совет кишилари турмуш маданиятини яхшилаш ва фаровонлигини ошириш масалалари плакатчи рассомлар диққат марказида турибди. Ўзбекистон ССР халқ рассоми В. Евенконинг «Ўзбекистон «оқ олтин»ининг юксак сифати учун», республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Б. Жуковнинг «Қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш ва концентрациялаш», Н. Галиевнинг «Қишлоқларимизни ободонлаштирайлик», М. Калининнинг «Экинзорларга — Сифат белгиси» каби қатор плакатлари ана шу мавзуларга бағишланган.

Плакатлар Ўзбекистон жанговар қалам соҳиблари — плакатчи рассомларининг маҳоратини, ижодий фаолиятларининг ғоявий сермазмун ва ҳаёт билан ҳамнафас эканлигини ёрқин намойиш қилиб турибди.

Н. САЪДУЛЛАЕВ.

ХУШХАБАРЛАР

БУХОРО [«Совет Ўзбекистони» мухбири]. Пешку районидаги «Москва» колхозининг меҳнатсевар деҳқонлари Бухоро областида биринчилар қатори ғалаба рапортига имзо чекдилар. Улар 972 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан ҳозиргача 35 центнердан ҳосил олиб, давлатга 3400 тоннадан ортиқ «оқ олтин» сотдилар. Ҳосилнинг 2200 тоннаси «зангори кема»лар бункеридан бўшатилди.

Бу зафарга республикада хизмат кўрсатган пахтакор С. Хайруллаев, Ш. Бозоров, Х. Олимов каби ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг коллективлари муносиб ҳисса қўшдилар. Бу бригадаларда ҳар гектар ердан 40—45 центнердан ҳосил кўтарилди.

Колхоз пахтакорлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, давлатга яна 1400 тонна пахта сотиш, ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга қарор қилишди.

* * *

ҚУВА [«Совет Ўзбекистони» мухбири]. «Ленинизм» колхози механизаторлари машинада пахта териш топшириғини муддатидан олдин адо этдилар. Улар 1400 тоннадан зиёд пахтани бункерлардан тўкиб зиммадаги топшириқни муваффақиятли адо этдилар.

Хўжаликда машина терими планининг барвақт бажарилишида бункерлардан 155 тонна пахта тўккан Н. Алиев, 90 тонна пахта териб берган С. Мадаминов, 80 тоннадан зиёд «оқ олтин» теришга муваффақ бўлган А. Саидалиев каби дарғаларнинг ҳиссалари катта бўлди. Колхозда пахтани машиналар билан териш давом этмоқда.



Кўпминг килограмм-чилар

Республикамиз пахтазорларида кўплаб «зангори кема»лар жавлон урмоқда. Етиштирилган мўл-кўл ҳосилнинг асосий қисмини дала гвардиячилари йиғиб-териб беради-лар. Шу билан бир қаторда, 5 миллион 700 минг тонналик улкан хирмонни бунёд этишга кўпминг килограммчи теримчилар ҳам муносиб ҳисса қўшаётирлар. Ана шундай чеварлар Қува районидаги Охунбобоев номли колхозда ҳам кўп. Улардан бир группаси ўтган йили ўнинчи синфни битириб, ўз колхозида меҳнат қила бошлаган Замира Нуралиева бошлиқ бригадада ишлашаётир. Замира билан биргаликда ўнинчи синфни тугатган бу меҳнатсеварлар ҳар куни хирмонга 180-200 килограммдан пахта териб топширишаётир. Қизлар бригадаси 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта топшириб, халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажарди. Улар яна гектаридан 10 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилиб, терим суръатини жадаллаштирмоқдалар. **СУРАТЛАРДА:** (чапдан) бригада бошлиғи Замира Нуралиева, бригаданинг чевар теримчиларидан Шаҳодат Алиева, Карима Алиева, Шаҳзода Содиқовалар.

А. Тўраев фотолари.

МАРДЛАР МАЙДОНИ

ҲАММАСИ МАШИНАДА

ХЎЖАЙЛИ. [«Совет Ўзбекистони» мухбири]. Райондаги йирик пахтакор хўжалик Ленин номли колхознинг Жанабой Мингбоев бошлиқ бригадаси коллективи пахта тайёрлаш планини беш иш кунида адо этди. 55 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 36 центнердан хирмон кўтарилди. Ҳосилнинг деярли ҳаммаси «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

КПСС Марказий Комитети июль [1978 йил] Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган бригада марди-майдонлари ҳосилдорликни 60 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

МЕХАНИЗАТОРЛАР МИНБАРИ

ТЕХНИКАГА ТАЯНИБ

Колхозимиз меҳнаткашлари техника туфайли пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан йил сайин мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган икки йилида давлатга 6874 тонна пахта сотдик. Бу халқ хўжалик планидагидан 1,5 минг тонна кўп. Ҳосилнинг 4438 тоннаси машиналар билан териб олинди.

Пахтакорларимиз зарбдор йилда ўтган йиллар муваффақиятини янада мустаҳкамлашмоқчи. 1 минг 20 гектар майдонда мўл пахта ҳосили етиштирилди. Бу йил давлатга 2 минг 806 тонна ўрнига 4 минг 100 тонна «оқ олтин» топширилади. Ҳосилдорлик гектар бошига 40 центнерга етказилади. Машиналар билан 816 гектар ердан 3200 тонна пахта териб олинади.

Бу йил эрта баҳордан ғўзаларни машинабоп қилиб ўстирдик. Пахтаси машиналарда териладиган майдонларнинг деярли ҳаммаси Сифат белгиси олишга сазовор бўлган.

Маълумки, терим даврида хилма-хил ишларни бажаришга тўғри келади. Шунинг учун терим-транспорт отрядларини ташкил этдик. Отрядлар йиғим-теримда поток технологияни ташкил этишга, меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш муддатларини қисқартиришга ёрдам бермоқда.

Ҳозир бизда 4 та терим-транспорт отряди ишлаб турибди. Ҳар бир отрядда 4 та пахта териш машинаси, кўсак узиш ва кўрак чувиш машинаси, механик-подборшчик, 2-3 та транспорт трактори, техника қарови агрегати, пахта ортадиган агрегат, заправка агрегати бор. Бу йил ҳар бир терим машинасининг иш унумини 200 тоннага етказмоқчимиз. Шундай қилиб, ўтган йилдагидан 900 тонна кўп пахта бункерлардан тўкилади.

Колхозимиз партия ташкилоти социалистик мусобақа шартларини белгилади. Илғор отряд учун битта кўчма Қизил байроқ таъсис этилган. Бу байроқ ва пул мукофоти отрядларнинг ўн кунлик иш якунига қараб бериляпти. Механик-ҳайдовчиларнинг мусобақаси ҳар беш кунда якунланмоқда. Ғолиблар учун учта вимпел, пул мукофотлари ажратилган. Пахтанинг очилиш даражаси, терим машинасининг маркаси ҳисобга олиниб, белгиланган миқдорда ва ундан кўп пахта терган ҳайдовчига мукофот берилади. Транспорт трактори ҳайдовчилари учун иккита вимпел таъсис этилди. Ўн кунлик иш якунига қараб ғолиб деб топилган икки транспорт трактори ҳайдовчиси вимпель ҳамда пул билан мукофотланади. Худди шундай мусобақа автомашина ҳайдовчилари ўртасида ҳам уюштирилган. Терим мавсуми мусобақаси ғолиблари номи «Ҳурмат тахта»сига ёзиб борилади, улар шарафига колхоз марказида байроқ кўтарилади.

Кўриниб турибдики, социалистик мажбуриятни тўла уддалаш учун катта имкониятларимиз бор. Колхозимизда механизатор кадрлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилаётгани туфайли уларнинг малакаси ва маҳорати ортиб бормоқда. Биз конструкторлар яратиб берган ажойиб машиналарни тобора мукаммал эгаллаб оляпмиз. Масалан, мен ўзим ўтган йили бир кунда «ХН-3,6» маркали машина билан 24 тонна «оқ олтин» теришга муяссар бўлдим. Бутун мавсум давомида агрегат бункеридан 360 тонна пахта тўкдим.

Бу йилги режам янада катта. «Зангори кема» билан 500 тонна пахта териб бераман. Ҳар куни 18-20 тоннадан пахта теришга муваффақ бўляпман. Шу кунгача терган пахтам 250 тоннадан ошди. Ҳамкасб дўстларим Аҳмаджон Халилов, Мансуржон Мирзаматов, Аъзамжон Турсунов, Умарали Турсунов, Содиқжон Ўринбоев, Ёқубжон Турғуновлар ҳам 250-400 тоннадан пахта териб беришмоқчи. Улар терим суръатини кун сайин оширмоқдалар.

Абдулҳамид ХЎЖАМҚУЛОВ,
Олтиариқ районидаги «Комсомол» колхози механизатори.

ЗАФАР САТРЛАРИ

КОГОН (Телефон орқали). Райондаги «Когон» совхозининг Ленин орденли Сафар Хўжақулов бошлиқ бригадаси коллективи областда биринчилар қатори пахта тайёрлаш планини бажарди. 73 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил олинди. Ватан омборига 199 тонна «оқ олтин» тўкилди. Бунинг 120 тоннаси агрегатлар билан териб олинди.

Бригада аъзолари давлатга яна 130 тонна «оқ олтин» топшириш ва ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

* * *

Андижон область Ленин районидаги «Победа» колхозининг Маҳмуджон Иброҳимов бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаси аъзолари зафар қучдилар. Она-Ватан омборига 300 тонна «оқ олтин» тўкилди. Ҳосилнинг 260 тоннаси агрегатлар билан терилди. Унинг 210 тоннасини бригада бошлиғининг ўзи терим агрегати бункеридан ағдарди.

Бригада заршунослари ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Т. КОМИЛОВ.

Ипак пахтадан мўл ҳосил

Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозининг Октябрь Революцияси ордени кавалери Мухтор Орипов бошлиқ ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослаштирилган бригадаси коллективи катта муваффақиятни қўлга киритди. Машина теримига зўр берилганлиги туфайли ҳар гектар ердан 30 центнердан ошириб ҳосил олинди ва давлатга пахта сотиш бўйича белгиланган план ошириб адо этилди. Илғор коллектив ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун курашяпти.

Шу райондаги Садриддин Айний номли колхознинг Холмурод Мансуров бошлиқ бригадаси ҳам ҳар гектар ердан 25 центнердан ипак пахта йиғиб-териб олиб, халқ хўжалик планини бажарди. Бригада пахтакорлари гектаридан яна 25 центнердан ҳосил териб олишга қарор қилдилар.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Фан янги уфқлар очмоқда

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН ЖУМБОҚЛАР

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленумида ўртоқ Леонид Ильич Брежнев мамлакат қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ҳақида гапириб, пахтакор республикалар олдига юқори сифатли пахта етиштиришни асосий вазифа қилиб қўйди. Бу муҳим масалани фан ва техниканинг илғор ютуқларига таянмасдан, бу тармоқни кенг механизациялаштирмасдан, янги ғўза навларини яратмасдан туриб ҳал қилиб бўлмаслиги ўз-ўзидан равшан.

Пахтачиликда техника тараққиёти, жумладан пахтани машинада териш истиқболи ҳақида фикр юритар эканмиз, бунда фаннинг шу соҳага алоқадор бўлган ўзига хос томонларига тўхталиб ўтишга тўғри келади. Пахтани машинада териш жуда ҳам мураккаб жараён бўлиб, у кўп омилларга — дефолиация сифатига, бегона ўтларнинг кўп ёки камлигига, ғўза тупларининг жойлашишига, ўқ ариқларнинг тўғри-нотўғри бўлишига, машинани буриб олиш учун ажратилган жойнинг тайёрланишига, механик-ҳайдовчининг тажрибасига ва айниқса машина қисмларининг сифатли ишлашига боғлиқ.

Ерга ишлов бериш механикасини яратган академик В. П. Горячкин ҳар қандай машинанинг механикасини системали ўрганишни, яъни уларнинг технологик жараённи бажаришларини машиналарни ҳаракатга келтирувчи энергетик мосламалар механикасини ҳам қўшиб ўрганиш зарурлигини айтиб ўтган эди. Технологик машиналарни ўрганишдаги бу бош принцип тўқимачилик, конметаллургия, пахта комплекси техникасида назария ва ҳисоб-китоб ишларини олиб боришда қатор татбиқий фанларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Машинанинг унумдор ишлашини олдиндан белгилаш методининг яратилиши ва уни барча технологик машиналарга татбиқ этиш мумкинлиги каби масалалар ғоят катта аҳамият касб этади. Бундай методнинг яратилиши шу соҳалар техникаси ривожига йўл очувчи, уларнинг истиқболини кўрсатувчи асосий восита бўлиб ҳисобланади. Технологик жараён ўз навбатида объект билан машина ўртасидаги ўзаро боғланишни чуқур ўрганишни талаб қилади. Жумладан, пахтазор, ғўза тупида очилган кўсаклар ва пахта териш машинасининг ишлаш жараёнларини кузатиш терим машиналари унумдорлигини оширувчи ва унга таъсир кўрсатувчи асосий механизмларни ажрата билишни ва пахтазор билан пахта терилиши орасидаги параметрларни ўз ичига олган боғланишни билдирувчи математик модель яратишни тақозо этади.

Математик модель параметрлари асосида машинанинг унумдор ва барқарор ишлаши, бир меъёрда пахта теришини таъминлаш, механизм ёки машинага қандай конструктив ўзгариш киритиш мумкинлигини кўз олдига келтириш масаланинг тўғри ҳал этилишини осонлаштиради. Бу эса машинанинг беқарор пахта теришдан узлуксиз равишда, бир меъёрда пахта терадиган ҳолатга ўтишини таъминловчи илмий-конструктив чора кўриш учун йўл очиб беради.

Бундай ишни бажариш чуқур назарий ва амалий техник муаммони кенг кўламда ҳал этиш, бинобарин динамик хусусиятли кинематик жуфт асосда яратилган таркибий иш органлари назариясига одатдагидан ўзгачароқ қўшимча илмий тушунча киритиш демакдир. Шу асосда янги, ўзгарувчан структурали ва динамик инерцияли эпициклик механизм яратиш ва уни пахта териш машинасига жорий этиш борасида катта илмий изланишлар олиб борилди. Натижада пахта териш машинаси барқарор, яъни бир меъёрда пахта тера бошлайдиган ҳолатга келтирилди, иш унумдорлиги ортди, шу зайл ярим автоматлашган машинага айланди.

Машина ва механизм ҳақидаги фан туфайли пахта териш машинаси янги бир босқичга кўтарилди. Унга киритилган янгиликлар асосида шундай бир чўққи яратилдики, эндиликда шу чўққидан туриб пахтанинг сифатли терилишини таъминлаш учун янги илмий изланишлар олиб бориш учун янада кенг имкониятлар очилди. Пахта териш машинаси чаноқда кам пахта қолдириб, ерга кам тўкадиган, хом кўсакларни эзиб юбормайдиган бўлди. Эрталаблари, пахтазордан шудринг кетмасданоқ машинада пахта териш имкониятига эга бўлинди. Янги ўзгарувчан структурали механизмнинг яратилиши пахтачилик истиқболида янги уфқлар оча бошлади. Ана шу машиналар билан пахта тез, кўп ва сифатли терилишдан ташқари, ингичка толали ва уруғлик пахталарни ҳам териш мумкинлиги исбот қилинди.

Навбатдаги вазифа — республика ва мамлакат миқёсида барча пахта териш машиналарини ана шундай ўзгарувчан инерцияли иш органи — таркибий шпинделлар билан таъмин этишдан иборат. Шундагина ҳосилни машинада териш даражаси сезиларли равишда ошади ва қўл кучи билан пахта териш аста-секин барҳам топади. Ҳозирги кунда таркибий автомат шпинделлар ишлаб чиқариш учун «Ташсельмаш» заводида технологик линия яратилган.

Ўзбекистон илмий муассасаларида пахтачиликда қўлланиладиган машина ва механизмларнинг истиқболли проблемалари устида иш олиб бориш билан бир қаторда, ишлаб чиқаришга катта ёрдам берадиган талайгина ишлар ҳам қилинмоқда. Эндиликда пахтачиликнинг ҳозирги ҳолати ва келажагини, жумладан тупроққа ишлов берувчи машиналар, ҳаракатланувчи суғориш агрегатлари, ғўзани чеканка қиладиган мосламаларсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Пахтачиликда деҳқоннинг оғирини енгил қиладиган механизмлар мамлакатимизнинг бир қатор қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарида кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

Ўнинчи беш йиллик самарадорлик ва сифат беш йиллигидир. Шу боисдан ҳам пахтанинг сифатини бузмайдиган механизм ва машиналарнинг илмий асосини ишлаб чиқиш олимлар, конструктор ва машинасозлар олдида турган ғоят муҳим вазифаларнинг бири ҳисобланади. Пахтанинг табиий сифатини бузмай, уни ифлослантирмай териш проблемасининг ҳал этилиши терим машинасидаги механизмларни ғўза тупларига, кўсакнинг катта-кичиклигига қараб мослашадиган ўзгарувчан структурали механизмнинг илмий-конструктив параметрларининг аниқ асослари яратилишига боғлиқ. Шундай мосланувчи механизм яратилди ва амалиётга жорий этилди. Навбатдаги вазифа шу механизм асосида турли типдаги пахтани тола ва чигит сифатининг табиий ҳолатини сақлаган ҳолда териш ва уни такомиллаштиришнинг илмий асосдаги параметрларини аниқ ҳолат учун яратишдан иборатдир. Пахта териш агрегати таркибига кирувчи механизм, машина назарияси соҳасида ҳали ечилмаган муаммолар жуда кўп. Аллақачонлар маълум бўлган нарсалардаги ҳали кашф этилмаган, яшириниб ётган қирраларини кўра олиш келажак техникасининг янада ривожланиши учун кенг имконият яратади.

Машина ихтиро қилиш билан шуғулланаётган конструкторларимиз янги механизмлар яратиш ва уларни халқимиз бойлиги бўлган пахтани териш, тозалаш, сақлаш, йигириш, тўқиш жараёнига татбиқ қилиш борасида янада чуқур изланишлар олиб бориши шу куннинг муҳим вазифаси бўлиб қолди. «Ташсельмаш» заводида ишлаб чиқарилаётган пахта териш машиналарини янада такомиллаштириш, уларни серунум ва пахтачилик учун тўла мос келадиган қилиб яратишга эришиш лозим. Бу мураккаб жараённи чуқур илмий изланишлар олиб бормасдан ҳал этиб бўлмайди. Машинага киритилган ҳар бир янгилик илмий асосда бўлмаса, у узоққа бормайди. Мавжуд машиналар сифатини яхшилаш, конструктив ўлчовларини нормаллаштириш, бўғинларидаги эластиклик, мустаҳкамлик, тебраниш, енгиллашиш проблемалари билан муттасил шуғулланиш зарурати ижодкорлар зиммасига янада катта масъулият юклайди.

Келажакда пахтанинг табиий сифатини сақлаган ҳолда кўплаб терадиган, ерга тукмайдиган, чаноқларда қолдирмайдиган, ифлосланишга йўл қўймайдиган, умуман пахтакорлар, механизаторлар ва табиийки, тўқимачилик саноати талабларига тўла жавоб бера оладиган замонавий пахта териш машиналарини яратиш олимлар ва инженер-техник ходимлар олдида турган энг муҳим вазифалардандир. Чунки пахтачилик истиқболи эътиборга олинса, мавжуд пахта териш машиналари қаноатлантира олмаслиги равшан. Шунинг учун ҳозирги асосий масала пахта даласидан маълум кондицияли пахтани териш ва уни узлуксиз равишда технологик жараёнга солиш каби улкан масаланинг оқилона ҳал этилиши учун яратилган мавжуд имкониятларга кўпчиликнинг эътиборини жалб қилишдадир.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев партия Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленумида қилган докладида ҳар бир коммунист фидокорона меҳнат қилиши, илғор тажрибанинг моҳир ташкилотчиси намунасини кўрсатиши, бу тажрибани оммалаштириши, умумий иш учун, коллективда аҳил, фидокорона ва ижодий ишлаш муҳитини яратиш учун жон куйдирувчи бўлиши лозим, деб алоҳида уқтириб ўтди. Биз масалага ана шу юксак талаб нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, келажакда пахтани механизмлар ёрдамида териб олиш, унинг тоза терилишига эришишни таъминлаш учун бутун куч ва ғайратимизни, маҳоратимизни ва истеъдодимизни сарфлашимиз ўз-ўзидан равшан бўлади. Пахтачилик учун юксак унумли техника яратишда ҳам ҳали ҳал этилмаган, ечимини кутаётган ва янги назарияларга муҳтож бўлган мураккаб техниканинг нозик жумбоқлари етарли. Т. Эдисон айтганидек, ҳайратомуз кашфиётлар қилиш жуда осону, лекин уларни амалий қийматга эга бўладиган даражада такомиллаштириш мушкулдир.

Ҳ. УСМОНХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

ПАХТАКОРЛАР МАДАДКОРИ

ПАХТАЗОР — шу долзарб дамларда мардлар майдонига айланди. Республикада пахта тайёрлашнинг бориши ҳақидаги маълумотга назар ташларкансан, мусобақада Бухоро области деҳқонлари карвонбошилик қилиб бораётганидан дилинг завққа тўлади. Азамат область пахтакорлари республика партия ва ҳукуматининг кўчма Қизил байроғини икки марта қўлга киритишди. Бу, пахта йиғим-терими ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан олиб борилаётганининг, юксак унум билан ишлаш учун барча моддий ва маънавий шарт-шароитлар яратиб берилаётганининг бир белгисидир, албатта. Бу муваффақиятларда область маданий-маиший хизмат ходимлари ҳам азамат пахтакорларга энг яқин мададкор бўлишяпти.

— Биз эришаётган ютуқларда, — дейди Ромитан районидаги Нариманов номли колхоз чўлқуварлар бригадаси бошлиғи Ражаб Нарзиев, — маданият, медицина, маиший хизмат ва савдо ходимларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Коллективимиз атиги 10 иш кунидаёқ йиллик планни ошириб адо этди. Пландаги 120 тонна ўрнига 130 тонна аъло сифатли «оқ олтин» етказиб бердик. Ўзлаштирилиб, бу йил биринчи марта чигит экилган майдонларимизнинг ҳар гектаридан 26 центнердан ҳосил кўтардик. Ҳали далаларда ҳосил кўп. Тағин гектаридан 14 центнердан пахта оламиз, ҳосилдорликни 40 центнерга етказамиз. Колхозчиларимизнинг кайфияти чоғ, соғлом, етиштирилган мўл ҳосилдан мамнун. Яхши меҳнатга яхши ҳордиқ ярашади. Дала шийпонимиз доимо гавжум. Кўчма кино, кўчма театр, концерт дейсизми, ўйин-кулги дейсизми — ҳаммаси шу ерда. Шийпонда сотувчисиз дўкон, санитария бурчаги ташкил этганмиз. Кийим бичувчи-тикувчиларимиз шу ерга келиб буюртма қабул қилишади. Яхши газлама қидириб юрмаймиз. Улар газламаларни олиб келишяпти. Пойафзал ремонти, сартарошлик хизмати, радио-телевизорларни тузатиш усталари ҳам бевосита далада хизмат кўрсатишяпти.

Биз Пешку районидаги Ибн Сино номли, «Ўзбекистон», Қизилтепа районидаги «Москва», «Меҳнат-Роҳат», Шофиркондаги Ильич номли, К. Маркс номли, Қоракўлдаги «Бухоро», «Москва» каби ўнлаб хўжаликларнинг дала шийпонларида ҳам ана шундай гўзал манзарага дуч келдик. Ғиждувон районидаги К. Маркс номли колхознинг Аҳад Саноқулов бошлиқ 60 центнерчи бригадаси дала шийпонига келганимизда бу ерда бригада цех партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлаётган экан. Ташкилот секретари Файзулла Ҳайитовнинг ҳисоботидан шу нарса маълум бўлдики, бригадада яхши йўлга қўйилган маданий-маиший хизмат — коллективни муттасил муваффақиятларга руҳлантирмоқда.

Область аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ходимлари ташаббуси билан қўшимча 28 та махсус комплекс кўчма бригадалар ташкил этилди. Улар буюртмаларни далада қабул қилиб, далага, пахтакорлар ишлаётган ерларга етказиб бермоқдалар. «Даладан — далага» шиори остида 51 та маиший хизмат уйи, 87 та доимий комплекс қабул пункти ишлаб турибди.

Бухоролик матлуботчиларнинг шу кунларда амалга ошираётган ишлари ибратлидир. Пахта йиғим-терими бошланган кезлардаёқ Шофиркон район матлубот жамияти ходимлари савдони дала шийпонларига кўчириш ҳақида мурожаат билан чиқишди. Бу ташаббус областнинг барча районларида кенг қўллаб-қувватланди. Белгиланганидан ортиқча автолавкалар, кўчма ошхоналар, сотувчисиз дўконлар ташкил этилди. Ғиждувон, Пешку, Қоракўл ва Қизилтепа район матлубот жамиятлари ходимларининг пахтакорларга кўрсатаётган савдо хизматидан кўпчилик миннатдор.

Дала меҳнаткашларига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш борасида ҳам бирмунча ишлар қилинмоқда. Юзлаб шифокорлар ўз меҳнат постларини дала шийпонларига кўчиришди. Область дорихоналар бошқармаси колхоз ва совхозларга 250 та махсус аптечка, 10 мингта оммавий аптечка жўнатди.

Область маданият бошқармасига қарашли 16 район, 46 қишлоқ маданият уйлари, 32 автоклуб, 63 қишлоқ ва 91 та колхоз клуби ходимлари пахтакорларга намунали хизмат кўрсатаётир. Бухоро районидаги «Маданият» колхозининг «Гули хайри», Вобкент районидаги Калинин номли колхознинг «Гуллола», Қизилтепа районидаги «Меҳнат-Роҳат» колхозининг «Табассум» ашула ва рақс ансамбллари, Свердлов район маданият уйи қошидаги «Дилдор» бадиий ҳаваскорлик коллективи, Қоракўл районидаги «Октябрь» колхозининг халқ театри ва Ғиждувон район қўғирчоқ театри ижодий коллективлари ҳозирги қайноқ дамларда ўзларининг дилбар куй, қўшиқ ва рақслари билан меҳнаткашлар қалбига завқ-шавқ бағишлаб, уларни янги меҳнат зафарларига руҳлантиришаётир.

Бироқ, ҳамма жойда ҳам меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳозирги талаблар даражасида ташкил этилган, деб бўлмайди. Баъзи хўжаликларда дала шийпонлари оммавий-сиёсий, маданий-оқартув ишлар маркази, деҳқонларнинг даладаги масканига айлантирилмаган. Бундай аҳволни Когон районининг «Когон» ва «Бухоро» совхозларида, Олот ва Навоий районларининг кўпчилик хўжаликларида учратиш мумкин. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, дала шийпонларини оммавий-сиёсий, маданий-оқартув ишлар марказига айлантириш, меҳнаткашларнинг унумли ишлаши учун барча шароитларни яратиб бериш ҳақидаги юқори партия ва совет ташкилотларининг кўрсатмалари тўла бажарилмаяпти.

Республикамизнинг 5 миллион 700 минг тонналик улкан хирмони учун кураш тобора қизитилаётган шу дамларда айниқса аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари ўз бурч ва масъулиятларини янада чуқурроқ ҳис этиб, фидокорона меҳнат қилмоқлари лозим.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МАШЪАЛ ХЎЖАЛИК РАПОРТИ

АНДИЖОН («Совет Ўзбекистони» мухбири). Андижон областида яна бир машъал хўжалик улкан ғалабани қўлга киритди. Донгдор пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маннон Жалолов раислик қилаётган Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Партия XX съезди» колхози йиллик пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини Бўз районида биринчи бўлиб муваффақиятли адо этди. Она-Ватан хирмонига 4340 тонна чўл дурдонаси тўкилди. Ҳар гектар ердан 36,2 центнердан хирмон кўтарилди. Етиштирилган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди. Хўжаликда машина терими плани ҳам ортиғи билан бажарилди. Ялпи ҳосилнинг 92 проценти «пўлат этак»лардан тўкилди.

Н. Деҳқонов, А. Солиев, М. Зокирова бошлиқ бригадалар гектаридан 42-45 центнердан ҳосил олди.

Хўжалик миришкорлари йил бошида 1190 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга қарор қилишган эди. Далаларда кутилганидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Ғалаба манзилига етиб келган марди-майдонлар эндиликда гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» олишга ҳаракат қилишмоқда.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Ленин йўли районидаги Қ. Раҳимов номли совхоз пахтазорларида шу кунларда тўққиз терим-транспорт отряди ишлаб турибди. Бу отрядларга бириккан 103 «зангори кема» билан кўплаб пахта терилаётир. Хўжалик меҳнаткашлари ялпи ҳосилнинг 90 процентини машиналар билан теришга қарор қилишган. Совхоз пахтакорлари бу йил мавжуд 3770 гектар майдондан пландаги 11 минг тонна ўрнига камида 14 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олишган. Пахта йиғим-теримида иштирок этаётган механизаторлар ва бошқа кишиларга етарли шарт-шароитлар яратиб беріляпти. **СУРАТДА:** Қ. Раҳимов номли совхоз бригадаларидан бирида савдо хизмати.

И. Хўжаев фотоси (ЎзТАГ).

МУЗИКАШУНОСЛАРНИНГ ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМИДА

ЯШОВЧАН ОҲАНГЛАР

Самарқанд шаҳри ўзининг қадимий, улуғвор меъморчилик иншоотлари, замонавий қурилишлари, салқин ва ям-яшил хиёбонлари билан кишини мафтун этади. Энг муҳими, Самарқанд ўзининг очиқ кўнгил, самимий, меҳмондўст ва меҳнаткаш кишилари билан бу ерга ташриф буюрганларни маҳлиё қилди. Самарқанд аҳолиси санъатни тушунади ва севади. Улар олис ўтмиш ёдгорликларининг чеҳрасини асрларнинг чангидан, ғуборидан тозалаб замонамизга намойиш этмоқдалар. Ўтмишни замона мулкига айлантирмоқдалар, ҳозирги кунни эса гўзал ва мустаҳкам шаклларда моддийлаштириб келажакка қолдирмоқдалар.

Худди ана шу шаҳарда халқаро музика симпозиуми ўтаётганлигининг ўзи ҳам ғоят рамзийдир. Шарқ халқлари оғзаки анъанавий профессионал музикасига бағишланган бу тадбир жуда катта аҳамиятга эга. Бу анжуман Самарқанд шаҳрига ҳозирги замон музика санъати тараққиётининг жонкуярлари бўлган турли мамлакатлар музика жамоатчилиги вакилларини тўплади.

Симпозиум улкан илмий-маърифий аҳамиятга эга. Бу ерда қилинадиган докладлар ва маълумотларда мақом-муғом санъати тўғрисида фикр юритилади, ҳозирги кунда мақом-муғом санъатининг тараққиёти тенденциялари таҳлил этилади.

Симпозиум ғоят чуқур бадиий қимматга ҳам эга. Унга бағишланган концерт программаларида турли Шарқ халқларининг анъанавий музикаси юксак талантли музикачилар ижросида жаранглаётир. Узоқ ўтмишда яратилган бу музика асарлари бизнинг кунларимизда ҳам кишилар қалбига чуқур завқ-шавқ бағишлаб, нодир эстетик бойлик бўлиб қолмоқда.

Мазкур асарларнинг айримлари билан биз биринчи марта танишяпмиз. Ижро этиладиган асарлар орқали ҳар хил мамлакатларда яшаётган халқларнинг ҳаёти ва ҳис-туйғулари, уларнинг шодликка, бахт-саодатга, халқлар ўртасидаги дўстлик, тотувликни мустаҳкамлашга интилишлари билан танишамиз.

И. АБАСОВА,

санъатшунослик кандидати, Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, республика Композиторлар союзи секретари, Узнэр Гаджибеков номли Озарбайжон давлат консерваторияси ректори.

ССР КОНСТИТУЦИЯСИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ

5 октябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти билан Тошкент олий партия мактаби СССР Конституциясининг бир йиллигига бағишлаб илмий-назарий конференция ўтказишди.

Конференцияда республиканинг таниқли олимлари КПСС совет жамиятининг етакчи кучи эканлиги тўғрисида, СССРнинг янги Конституцияси — ривожланган социализм Конституцияси ҳақида, совет хотин-қизларининг ҳуқуқ статуси тўғрисида доклад қилдилар.

Конференция иштирокчилари ўз докладларида Советлар мамлакати Асосий Қонунининг айрим қоидаларини батафсил ёритиб бердилар. Улар Ўзбекистон ва бошқа иттифоқдош республикаларнинг ҳаётидан олинган мисоллар асосида Конституцияда мустаҳкамланган совет халқларининг дўстлиги, социалистик демократия ленинча принциплари қандай рўёбга чиқарилаётганлигини, мамлакатнинг иқтисодий системаси қандай мустаҳкамланаётганлигини кўрсатиб бердилар. Докладларда совет жамиятини социал ривожлантириш билан, Совет давлати ташқи сиёсати конституцион принципларининг амалга оширилиши билан боғлиқ масалалар акс эттирилди.

(ЎзТАГ).

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

1966 ЙИЛГИ 3% ли ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛАР ЗАЕМИ 98-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1978 йил 30 сентябрда Ленинград шаҳрида бўлиб ўтди.

ЗАЕМНИНГ ҲАММА ЕТМИШ ЕТТИ РАЗРЯДИДАГИ СЕРИЯ ВА ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИНГ ҚУЙИДАГИ НОМЕРЛАРИГА ЮТУҚЛАР ЧИҚДИ.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
100178	17*)	500	129853	26*)	500	161687	41*)	500
101787	23*)	500	130142	1—50	40	162908	30*)	5000
101982	07*)	500	130293	1—50	40	163668	1—50	100
104811	13*)	500	130953	1—50	100	164456	07*)	500
104816	03*)	500	131119	25*)	1000	164739	38*)	1000
105359	1—50	40	131573	1—50	40	165051	09*)	500
106511	27*)	500	133798	1—50	40	165771	03*)	500
107373	43*)	500	134079	01*)	1000	166195	02*)	500
107542	31*)	500	134220	39*)	1000	167214	33*)	1000
107872	48*)	500	134615	29*)	500	167431	02*)	1000
108292	08*)	500	135541	1—50	40	167941	33*)	500
108324	23*)	500	136327	45*)	500	168058	1—50	40
109172	18*)	500	136459	31*)	500	168503	1—50	40
110228	1—50	100	136794	07*)	1000	168777	04*)	1000
111336	06*)	500	137036	13*)	500	168779	17*)	500
111449	49*)	500	137705	25*)	5000	169108	1—50	100
111509	09*)	1000	137921	34*)	1000	169805	48*)	2500
112262	29*)	500	137965	11*)	500	171318	1—50	40
112415	44*)	500	138651	1—50	40	171931	1—50	40
112473	08*)	500	139347	25*)	500	172973	1—50	40
112874	29*)	500	139785	15*)	500	173332	28*)	500
112877	49*)	500	139945	26*)	500	173696	42*)	500
113192	27*)	500	140080	1—50	40	173879	1—50	100
113608	29*)	500	140091	1—50	40	174282	15*)	500
113635	42*)	500	140344	50*)	500	175017	22*)	500
114519	29*)	1000	140724	44*)	2500	175173	1—50	40
114722	14*)	1000	141216	17*)	500	176147	46*)	500
115019	1—50	40	142113	1—50	40	177982	1—50	40
115529	1—50	40	142857	25*)	1000	179724	1—50	40
115672	1—50	40	143184	30*)	500	180369	10*)	500
116324	09*)	500	144301	47*)	1000	180613	1—50	40
117171	21*)	500	145500	12*)	1000	181851	33*)	500
117176	1—50	40	146313	25*)	500	182459	1—50	40
118110	11*)	500	147858	23*)	500	183062	22*)	500
118253	01*)	500	149155	1—50	40	183081	43*)	500
118375	1—50	40	149561	02*)	500	186978	45*)	500
118386	38*)	500	150437	13*)	500	186993	25*)	2500
118645	1—50	100	150580	23*)	500	188324	1—50	40
118825	48*)	500	151230	1—50	40	188457	15*)	500
119059	1—50	40	151274	45*)	500	189643	32*)	2500
119338	08*)	500	151657	1—50	100	189718	39*)	500
119417	13*)	500	152947	25*)	500	189760	09*)	500
119870	48*)	500	153202	1—50	100	189790	23*)	500
120555	26*)	1000	153220	24*)	500	189981	1—50	100
120891	05*)	500	153622	34*)	500	190241	29*)	500
121980	27*)	1000	154758	08*)	500	190376	19*)	500
122053	44*)	500	155640	1—50	100	190883	1—50	40
122093	1—50	40	156613	40*)	500	191117	1—50	100
122883	40*)	2500	157190	24*)	500	191356	09*)	500
123796	1—50	40	157443	1—50	100	191614	41*)	500
123866	23*)	500	157889	34*)	500	192091	1—50	100
124074	08*)	500	157952	15*)	500	193376	11*)	500
125339	13*)	500	158108	01*)	500	193844	1—50	40
126074	04*)	500	158132	49*)	500	194109	22*)	500
126353	46*)	500	158787	43*)	500	195306	1—50	100
126932	14*)	500	159287	34*)	500	195541	1—50	40
127179	46*)	1000	159391	06*)	500	196693	25*)	500
127208	39*)	500	159393	46*)	500	197815	37*)	500
127292	16*)	1000	159569	46*)	500	198394	13*)	500
127823	23*)	500	160891	1—50	40	198729	28*)	1000
128058	1—50	40	161176	14*)	500	198811	1—50	100
128325	47*)	500	161285	02*)	500	199983	22*)	500
129359	21*)	500	161403	1—50	40			

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда йигирма сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

Ўн сўмлик облигацияларга ютуқларнинг ярми тўланади.

Ютуқ суммасига облигация қиймати ҳам қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Ўзбекистон ССРдаги омонат кассалари газетанинг янги сони келганидан сўнг ютуқларни шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказиш бўйича комиссиянинг раиси — Ленинград шаҳар халқ депутатлари Советлари ижроия комитети раисининг ўринбосари — Б. П. Таукин.

Комиссиянинг масъул секретари — В. П. ЗАМОЛОДЧИКОВА.

ШЕЪРИЯТ БОР — ШАШМАҚОМ БОР

Ўзбекистонда бирорта ҳам маънавий баркамол шоир ўтмаганки, унинг шеъри мусиқий оҳангларга тушмаган ва ҳофизлар қўшиғига айланишига мосланиб ёзилмаган бўлса.

Шоир ва шеър, ҳофиз ва музика ҳаммавақт ҳам алоқада бўлган ва ҳаммавақт ҳам шеър мусиқий, мусиқа эса шеърсиз бўлмаган. Худди ана шу маънода улуғ Алишер Навоий: «Ҳар қандай яхши созанда қанча яхши чалсаю, сўзсиз (ашула айтмасдан) узоқ чалса, ундан ақл аҳлларига малол етади» деб бежиз айтмаган.

Шу боисдан ҳам классиклар шеърияти мусиқий ва қадимий шашмақом ҳам ўз шеърий репертуарларига эга бўлган.

Алишер Навоий классик шашмақом йўлларини жуда яхши билган ва ғазаллари ҳам мусиқий мақомларнинг у ёки бу тармоқлари қон-жонига сингиб рўёбга келган. Ҳофизлар эса Хуросонда ҳам, Ўрта Осиёда ҳам устоднинг ғазалларини ҳаётлигидаёқ мусиқий оҳангларга тушириб, юрт-элатни баҳраманд этганлар. Шундай ҳолатлар ҳам рўй берганки, тингловчилар куйларга сингиб тушган ғазалларнинг мазмунига мувофиқ жумбушга келиб «шовқин-сурон» (Навоий) кўтаришган ва шу тариқа ўз таҳсину ташаккур таассуротларини эътироф этишган. Шундай ҳолатларга ғазалсаро Навоийнинг ўзи ҳам дуч келиб қолганлигини уқдириб, «Бадоеъ-ул вақоеъ»нинг муаллифи Зайниддин Муҳаммад Восифий келтиради:

Дин офати ул муғбачаи
махлиқодур, Майхораю
бебок,
Ким ишқидин онинг ватаним
дайри фанодур,
Сармасту яқом чок...
[НАВОИЙ].

Худди ана шундай куй ва ғазал ҳамжиҳатлиги Бобирда ҳам, Машрабда ҳам, Равнақда ҳам, Мунисда ҳам, Нодира ва Увайсийда ҳам, Муқимий ва Фурқатда ҳам, хуллас ҳамма-ҳамма баркамол шоирларда бараллa намоён эди.

Классик адабиётимизда музикантларнинг шундай олижаноб образлари яратилганки, улар созларда нағма таратсалар, ҳатто тоғу тошлар ҳам, қумлоқ барханлар ҳам садога келарканлар:

Агар чун нағмасини
айласа соз,
Садодек тошу қумдин
чиқғай оғоз,

(Мавлоно Нодир, «Ҳафт гулшан», музикачи қиз образи).

Бироқ, ўтмиш ижтимоий нотекис, адолатсиз шароитда музика санъатининг ривожу равнақига ҳам, истеъдод эгаларига ҳам ҳукмрон доиралар бефарқ қарар эдилар. Шунинг учун Амир Ҳайдар (1802-1826) ва Амир Насрулло (1826—1860) ҳукмронликлари вақтида ҳаёт кечирган шоир ва бастакор Ҳусайн Дониш: «Кўпгина қобилият эгалари камолга ета олмай, тупроқ бўлиб кетдилар» деб шикоят ёзган эди.

Демак, мафкуранинг бошқа соҳаларида бўлгани каби музика маданиятида ҳам ҳукмрон доиралар ва меҳнаткашларнинг тушунча, истак, орзу, ҳавас, ғоявий идрокларида муросасиз курашлар давом этар эди. Ана ўшандай номувофиқ шароитларда минг машаққатлар билан яратилган донишмандларнинг қимматбаҳо асарлари кўпинча бетиним тарафкашлик жангларининг оловларида ёниб, пайхон бўлиб кетганларидан қатъий назар баъзи бирларининг турли-туман тасодифлар билан бизгача етиб келганларининг ўзидан ҳам, олам-жаҳон маъно, мазмунларни уқиб олиш мумкин.

Чунончи, Самарқандда «Шердор» (1619—1636) ва «Тиллокори» (1646—1660) мадрасалари қурилаётган йилларда бунёд этилмиш Дарвеш Али Чангининг «Тўҳфат-ус-сурур» (Рисолаи мусиқий) асари, гарчи давр, замон, шароит тақозосига кўра афсоналарга тўла мотивлар билан суғорилган бўлса-да, музика маданиятига доир муҳим дурдоналардан ҳисобланади.

Ушбу мўътабар рисолада музика, куй, мусиқий ритм; танбур, чанг, най, уд, қўбуз, симтўр, сетор сингари мусиқий чолғу асбоблари: 12 мақомнинг рост, ушшоқ, наво, ҳижоз, ироқ, ҳусайни, бўслик, реҳавий тармоқлари: рост ва ушшоқнинг — исфаҳон, наво ва ҳижознинг —бузур; бўслик ва ҳусайнининг — зангула қисмларигача маълумотлар келтирилади.

Музика билан қизиққан ёки бевосита мусиқий илмга доир асарлар ёзган, кези келганда асбоблар ҳам ихтиро этган қадим табаррук зотлардан — Абу Абдулло Рудакий, Самарқандий, Абдуқодир Ноий, Хусрав Деҳлавий, Қосим Раббоний, Паҳлавон Котиби Нишопурий, Мавлоно Мирак Чанги Бухорий, Мавлоно Соҳиб Балхий, Мир Хожа Аюб Абул Баракат Шаҳрисабзий; XV—XVI асрларнинг Абдулраҳмон Жомий, Алишер Навоий, Хожа Абдулло Марворид, Шоҳқули Ғижжак, Ҳасанхожа Нисорий; ўз замондошлари XVI—XVII асрларнинг: Устод Абдуллои Ноий, Дарвеш Шайхим Қаландари Ҳеравий, Султонмуҳаммад — Танбур, Ҳофиз Жалолжил Ҳеравий, Ҳофиз Собир Кўк, Устод Ҳусайн Удий сингари маҳоратпешалар ҳоқида таҳсиновар фикрларни баён этган.

Қадим-қадим замонлардан буёғи Мирзо Улуғбек даврининг Дарвеш Аҳмад қонуни Самарқандий, XVI асрнинг Мавлоно Бақоий, XVII асрнинг Дарвеш Али Чангий каби мусиқа донишмандлари меросидан хабардор бўлган бизнинг Ҳожи Абдул Азиз, Мулло Тўйчи, домла Ҳалим, Юнус Ражабий, Шоҳназар Соҳибовларимиз мусиқий меросга меҳрибонликлар билан муносабатда бўлиб, замонамиз дурдоналари хазиналарига муҳим ҳиссалар қўшдилар.

Самарқандимизда ЮНЕСКОнинг қарорига кўра жаҳон шашмақомчилар конгресси ўтказилаётгани бежиз эмас. Ҳожи Абдулазиз Расул ўғли (1855-1936) шашмақомчилик санъатини фақат Ўрта Осиё бўйлабгина эмас, ўзининг Эрон, Туркия, Арабистон, Ҳиндистон, Афғонистон сафарларида қойил мақом кўрмана этган устодлардан эди. У «Шашмақом»га дахлдор «Жезойир», «Абдураҳмонбеги», «Гулузорим», «Чапандози ушшоқ», «Чапандози наво» каби куйларни ихтиро этди. «Бозургоний», «Бебокча» куйларига солинган ҳис-туйғу, ақл-фаросат озиғи бўлмиш ашулаларни граммзаписларга ёзиб қолдирди. Ушбу куйларга шеърлар танланганида ҳам зукколик кўрсатди. «Садафу гуҳар каби қил гумон», «сенинг матлабинг менинг мақсадим» деб ошиқ-маъшуқлар самимиятини куйлади, «туну-кун тилимда дуоларинг» деб уларнинг ҳамжиҳатлик ишқларига тасаннолар ўқиди. Асримизнинг 20 йилларида Самарқанднинг «Ўзбек билим юрти» шашмақомчилари мактабида унинг қўл қанотлари бўлиб тарбия кўрган Юнус Ражабий, Рисхи Ражабий, Михаил Толмасов, Гавриил Муллоқандовлар камолот касб этдилар. Бундан 50 йил муқаддам «Шердор» мадрасасида очилган (ҳозир Тошкентдаги Мухтор Ашрафий номли) консерваторияда Шоҳназар Соҳибов, Толибжон Содиқов, Мухтор Ашрафий, Қобилжон Исроилов, Қори Сирож ва Набижон Ҳасанов, Дони Зокиров, Аъзам Камол, Манас Левиев сингари ёшларга профессор Миронов билан ёнма-ён туриб мураббийлик қилдилар.

Бу кунларда пойтахтимиз Тошкентда Ориф Алимахсумов, Фарғона водийсида — Фаттоҳхон Мамадалиев, Бухорода — Орифжон Атоев, Самарқандда Шарифжон Акрамовларнинг шашмақомчилик дасталари ҳам Ҳожи Абдулазиз тароналарини куйлашади. Тожикистонлик Барно Исҳоқова, Ҳанифа Мавлоновалар, ўзбекистонлик Ҳалима Носирова ва Берта Давидовалар билан биргаликда сон-саноқсиз ёшларнинг қўшиқларида ҳам Ҳожа Абдулазизнинг дилларга завқу сурур бахш этувчи санъаткорликлари мавж уриб туради.

Шеърият бор — шашмақом бор! Совет нотанавислик ижодкорлиги эса унинг жилва-жилоларига кўнгилларни мафтун этувчи завқовар янгича замонавий маъно ва мазмун шалолаларини бахш этаётир.

В. АБДУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси.

Самарқанд шаҳри.

ОСИЁ ХАВФСИЗЛИГИ — ДАВР ТАЛАБИ

Кеча Тошкентда Осиёда хавфсизлик проблемалари юзасидан совет — япон симпозиуми иш бошлади. Ҳар икки мамлакат олимларининг бу анъанавий учрашувлари ҳар йили ўтказилмоқда. СССР Фанлар академияси, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи совет жамиятлари союзи, шунингдек чет мамлакатлар билан маданий алоқа қилувчи Япония уюшмаси бу учрашувларнинг ташкилотчиларидир. Япониянинг нуфузли «Санкэй симбун» газетаси бу йилги симпозиумни тайёрлашда актив қатнашди.

Симпозиум ишида таниқли жамиятшунос олимлар, жамоат арбоблари, журналистлар қатнашмоқдалар. Совет делегациясига СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Г. Ф. Ким, Япония делегациясига эса халқаро проблемалар бўйича тадқиқот марказининг директори Кайхара Осаму бошчилик қилмоқда.

Симпозиумни очиш вақтида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов нутқ сўзлади.

Биринчи куни Кайхара Осаму билан Г. Ф. Ким Осиёда хавфсизлик ва кескинликни юмшатиш проблемалари ҳақида доклад қилдилар.

Симпозиум иши уч кун давом этади.

* * *

Совет делегациясининг бошлиғи, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Г. Ф. Ким мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

Симпозиум кун тартибига Осиёда тинчлик ва хавфсизлик масаласининг қўйилиши бежиз эмас. Чунки Осиё қитъасида кескинликнинг юмшатилиши бутун ер юзида тинчликни таъминлаш учун ғоят катта аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда Осиёда кескин вазиятнинг сақланиб туришига сабаб бўлаётган кўпгина омиллар яққол кўзга ташланмоқда. Биринчидан, бу қитъада ички социал-иқтисодий проблемалар ҳанузгача ҳал этилгани йўқ. Бу нарса қолоқлик ва қашшоқликни тугатиш йўлида ғов бўлиб турибди. Иккинчидан, йирик империалистик давлатлар зўр бериб ана шу қитъадаги мамлакатларни ўз таъсирларида сақлаб қолишга уринмоқдалар. Учинчидан, энг хавфли омил шундаки, Осиёдаги ҳозирги беқарор аҳвол, жумладан Хитой раҳбарларининг шу регионидаги турли давлатлар орасига нифоқ солиш, ҳар қандай йўл билан бўлмасин ер юзининг ана шу қисмида ўз гегемонлигини ўрнатишга қаратилган ҳозирги сиёсати жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Ҳинди-Хитойда Америка империализмининг айби билан бошланган уруш тугаганидан сўнг жаҳон жамоатчилиги бу регионидаги аҳвол яхши томонга ўзгаради, деб умид қилган эди. Бироқ, воқеаларнинг бориши бу умидни оқламади. Эндиликда АҚШ мазкур регионда ҳарбий қудратини мустаҳкамлаш билан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга уринмоқда. Сўнгги икки йил ичида Тинч океан зонасида АҚШ қуролли кучларининг сони 133 мингдан 143,5 минг ҳарбий хизматчига кўпайтирилди. Айни пайтда Вашингтон АНЗЮС ҳарбий блокининг фаолиятини активлаштиришга зўр беряпти. Япониядан Тинч океан регионида ўз ҳарбий стратегияси билан янада фаолроқ қатнашишни талаб қилмоқда.

Тинч океан регионидаги кескинлик Хитой раҳбарлари олиб бораётган сиёсат туфайли баттар кучаймоқда. Хитой тинчлик ва хавфсизлик тўғрисида музокаралар олиб боришдан бош тортаётган бирдан бир йирик давлатдир. Хитой раҳбарлари қуролланиш пойгасини чеклаш, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги битимлар тузишда қатнашишдан намойишкорона бош тортмоқдалар.

Биз ўтказаётган симпозиумнинг мақсади Осиё ва Тинч океан регионидаги кескинликнинг сабаблари ва манбаларини аниқлашдангина иборат бўлмай, балки шу регионда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш тадбирларини қидириб топишга ҳам қаратилгандир. Осиёда хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири СССР билан Япония ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини янада ривожлантиришдир. Гарчи Япония—Хитой шартномасининг имзоланиши ҳар икки қўшни мамлакат ўртасидаги муносабатларга соя ташласа ҳам, ҳаётнинг ўзи Япониянинг расмий доираларидан СССР билан Япония ўртасидаги ўзаро муносабатларга янада реалроқ ёндашишни талаб қилмоқда. Совет—Япония муносабатларининг яхшиланиши Осиёда кескинликни юмшатиш жараёнига ҳамиша самарали таъсир кўрсатиб келаётганини тарихий тажриба исботлаб турибди.

Бугунги кунда Осиёдаги барча давлатлар учун тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг келишилган ягона йўлини ишлаб чиқиш вазифаси айниқса муҳимдир. Бу эса, табиийки, кескинликни юмшатиш йўлида эришилган натижаларни янада мустаҳкамлашга, Осиё қитъаси халқларининг иқтисодий ва социал тараққиёти учун қулай шароитлар яратишга имкон беради.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҚЎШИҚЧИГА ХАЛҚАРО МУКОФОТ

Қўшиқчи, ҳозирги вақтда П. И. Чайковский номли Москва консерваториясининг ассистент-стажёри Алла Аблабердиева республика музика жамоатчилигининг катта иззат ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Музика ва қўшиққа бўлган катта муҳаббат самарқандлик мактаб ўқувчиси Алла Аблабердиевани 1970 йилда М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси бағрига олиб келди. У тайёрлов курсининг вокал факультетига қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги вокал санъати соҳасида яхши қобилиятга эга эканлигини назарда тутиб, Аллани ўқишни давом эттириш учун Москва консерваториясига юборди. Мамлакатнинг ажойиб вокалчиси, профессор Н. Л. Дорлеак раҳбарлигида қизғин меҳнат билан тўлиб тошган йиллар ўта борди. Алла консерваториядаги ўқишни М. И. Глинка номли VIII Бутуниттифоқ конкурсида ўз маҳоратини муваффақиятли намойиш қилиш билан якунлади. Бу конкурс 1977 йилнинг ноябрь ойида Тошкентда ўтказилди. Ўша вақтда у иккинчи ўринни эгаллаб, лауреат деган юксак унвонни олишга сазовор бўлди.

Алла Бутуниттифоқ конкурсида қатнашганидан кейин ижодий ўқишни давом эттирди. Бу эса унга янги муваффақият келтирди. Ўзбекистонлик ёш қўшиқчи 1978 йилнинг сентябрь ойида Голландиянинг Хертогенбссс шаҳрида бўлиб ўтган вокалчилар XXV Халқаро анъанавий конкурсида иккинчи мукофот ва кумуш медални олишга мушарраф бўлди.

Халқаро мукофот лауреатига янгидан-янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми узоқ йил самарали ишлаганлиги, қишлоқ хўжалик фанини ривожлантиришдаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан қишлоқ хўжалик фанлари доктори, Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг профессор-консультанти Петр Филиппович **Кияткинни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

МЕДИКЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СИМПОЗИУМИ

5 октябрь куни Андижонда физиология, биохимия, морфология ва клиник медицинанинг актуал масалаларига бағишланган Бутуниттифоқ илмий симпозиуми ўз ишини тугатди. Симпозиумни СССР Фанлар академиясининг одам ва ҳайвонлар физиологияси комплекс проблемалари билан шуғулланувчи илмий кенгаши, И. П. Павлов номли Бутуниттифоқ физиология жамияти Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги билан биргаликда ўтказди.

Симпозиум ишида Москва, Ленинград, Киев, Тошкент, мамлакатдаги бошқа йирик илмий марказларнинг медик олимлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

спорт

Хоккей: МАВСУМ БОШИДА

Тошкентнинг «Бинокор» командаси хоккейчилари мавсум бошидаги учрашувларни сафарда ўтказмоқдалар. Вакилларимиз Саратовда «Кристалль» коллективи билан ўйинда имкониятни бой бериб, Пензанинг «Дизелист» хоккейчилари билан учрашувда икки очколи бўлишди. Қозон шаҳрида Урицкий номли спорт клуби билан учрашувда ҳам командамиз ҳисобига қўш очко ёзилди. Бинокорчилар галдаги учрашувни куйбишевлик армиячилар билан ўтказдилар. Бу сафар тошкентликлар уч та очко тўплаб, жами очколарни еттитага етказишди. Учрашувда 9:4 ва 3:3 ҳисоблари қайд қилинди. Энди бинокорчилар Челябинскда «Металлург» хоккейчилари меҳмони бўлиб, кейин Тошкентда «Шинник» командасини қабул қиладилар.

Футбол: УЧИНЧИ ЭШЕЛОНДА

Иккинчи лиганинг бешинчи зонасида куч синашаётган коллективларнинг ўйинлар жадвалидаги бугунги мавқеи қуйидагича:

	У	Ю	Д	М	О
«Автомобилист»	37	25	4	8	54
«Олға»	37	23	8	6	54
«Шаҳрихончи»	36	20	7	9	47
«Янгиер»	36	19	8	9	46
«Зарафшон»	37	19	7	11	45
«Бўстон»	36	19	7	10	45
«Химик»	36	19	5	12	43
«Строитель»	36	18	5	12	41
«Хоразм»	36	15	10	11	40
«Хива»	36	17	5	14	39
«Металлург» М	36	15	8	13	38
«Нефтяник»	36	15	6	15	36
«Актюбинец»	36	15	4	17	34
«Пахтачи»	37	14	6	17	34
«Сигнал»	36	11	11	13	34
«Орбита»	36	13	3	20	29
«Металлург» Ч	36	10	9	17	29
«Хўжанд»	36	12	4	20	28
«Амударё»	36	11	6	19	28
«Динамо»	36	10	7	19	27
«Текстильщик»	36	8	7	20	25
«Каршистрой»	37	6	8	23	20
«Старт»	37	7	4	26	18

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● РИМ. Бу ерда Италия Коммунистик партияси раҳбарларининг мажлиси очилди. Ташқи сиёсий аҳвол проблемалари юзасидан Италия Коммунистик партиясининг Бош секретари Э. Берлингуэр доклади тингланди.

● МАПУТУ. Мозамбик Халқ Республикаси пойтахтида социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг графика асарлари виставкаси очилди. Бу ерда намойиш этилаётган асарлар «Октябрь революцияси ва Африкада миллий-озодлик ҳаракати» деган асосий мавзуга бағишланган.

● ДОРУССАЛОМ. Бу ерда мамлакат тарихида биринчи марта Танзания хотин-қизлар союзининг конференцияси иш бошлади. Республиканинг барча областларидан келган вакиллар миллий қурилишда, ёш Африка давлатининг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашда хотин-қизларнинг қатнашиш масалаларини муҳокама қилмоқдалар.

● БУДАПЕШТ. Бу ерда Лев Толстой туғилган куннинг 150 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилиш Венгрия ёзувчилар союзи ҳамда рус тили ва адабиёти ўқитувчилари халқаро уюшмаси Венгрия секциясининг ташаббуси билан ўтказилди.

● ЛУАНДА. Вьетнам Социалистик Республикасининг вице-президенти Нгуен Хиу Тхо уч кунлик дўстона расмий визит билан бу ерга келди. Нгуен Хиу Тхо аэродромда сўзлаган нутқида Вьетнам ва Ангола халқларининг империализмга қарши, мустақиллик ва озодлик учун курашдаги бирдамлигини қайд этиб ўтди.

● ГАВАНА. Чилида ишчилар яна ишдан бўшатила бошланди. Чили университети олиб борган тадқиқотларга кўра, фақат Сантьяго шаҳрида корхона эгалари ишдан бўшатган ишчилар ва хизматчилар 14.7 процентга етган. Мамлакатнинг ички районларидаги ишсизлик даражаси 22 процентга боради (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/X да **Корсар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/X да **Қалби олов.**

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Орлёнок». 10.45 — «Ишга тушириш». Бадиий фильм, 3-серия. 11.50 — «Ёшлар адреслари». 15.00 — Ҳужжатли фильмлар 15.55 — «Шахмат мактаби». 16.25 — «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». 16.55 — В. Захаров қўшиқлари. 17.35 — «Москва ва москваликлар». 18.00 — «Болалик ҳақида поэма». 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — ГДР эълон қилинган куннинг 29 йиллигига бағишланган Германия Демократик Республикаси телевидениесининг программаси. 20.15 — Концерт. 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Адресимиз — Совет Иттифоқи». 23.25 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — «Светофор». 13.00 — Болалар учун киноальманах. 13.40 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 18.00 — «Ёшлик». 18.30 — «ГДР эълон қилинганлигининг 29 йиллигига». 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — СССР Конституциясининг йиллигига — меҳнат ғалаба рапортлари. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Фильм-концерт. 19.50 — Адабий кўрсатув. 20.20 — «Ахборот». 20.40 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 — Концерт. 23.15 — Чим хоккей. Аёллар командалари ўртасида Бутуниттифоқ биринчилигининг финали.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Учрашувлар». Бадиий фильм, 4-серия. 20.55 — Янгиликлар. 21.15 — «Тошкент» телепрограммаси. 21.45 — «Ўқитувчилар учун консультация». 22.15 — Балетлардан саҳналар.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ҳ. Олимжон шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.30 — Ўзбек операларидан ариялар. 11.15 — «Яхши кайфият хизмати». 11,30 — Музикашуносларнинг халқаро симпозиуми кундалиги. 12.00 — СССР янги Конституцияси — коммунизм қурилишида кучли қурол. 12,15 — Концерт. 13.00 — «Кооператор — чорвадорлар ҳиссаси». 13.30 — «Йўл бошида». 14.00 — Сифатли маҳсулот даромад манбаи. 16.10 — Ёшлар учун музикали соат. 18.30 — «Совет турмуш тарзи». 18.40 — Москва. «Конституция ҳаракат қилмоқда, яшамоқда, меҳнат қилмоқда». 19.00 — «Юность Узбекистана». 19.40 — «Немис тупроғида социализм самаралари». 19.50 — В. Расулов чалади. 20.25 — Концерт. 21.00 Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.28 — Э. Воҳидов. «Бахмал» (радиоинсценировка).

Жиззах область партия комитети ва область ижроия комитети Ғаллаорол район партия комитетининг биринчи секретари В. Х. Насриддиновга онаси

Ҳамида ХАЛИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, ГСП. Тошкент, Ленин проспекти, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16. совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24. ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ — ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70. Сурхондарё — 55-35; Хоразм — 51-24; Бухоро — 3-31-42. Қашқадарё — 38-42; Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85, Жиззах — 31-68; Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 03660. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 229.